

**Боқий фикр**

*Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бузунги ва эртанги кунга эгаллик қила олади.*

Ислом **КАРИМОВ**



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 3-mart, shanba №18 (8459)

## ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАНИНГ БЎЛАЖАК ТАЪЛИМ ХАБИ

Сўнги йилларда дунёда таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодий, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Таълимнинг роли инсон капитали таъсири ўсиши билан бирга муттасил юксалиб бормоқда. Таълим инфратузилмаси ҳар қандай мамлакат тараққий-тининг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Зеро, у давлат миқёсида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг алоҳида соҳасига айланиб улгурди.

Айнан шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққий-тининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамоллигида жаҳоннинг бу борадаги илғор тажрибалари ҳамда халқимизнинг кўп асрлик миллий кадриятларини ўзида акс эттирган янги таълим тизими ҳаётга татбиқ этилди.

### XXI asr kadrlari



Мақтаб ўқувчилари лаборатория ўқув-машғулотида.



Академик лицейи ўқувчилари пухта билим олиш иштиқиди.


1997 йилда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда миқёси, мукамаллиги ва мақсадлари билан ноёб ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги чуқур ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан Ўзбекистонда таълимнинг етти босқичи: мактабгача таълим — умумий ўрта таълим — ўрта махсус, касб-хунар таълими — олий таълим — олий таълимдан кейинги таълим — кадрлар малякасини ошириш ва қайта тайёрлаш — мактабдан ташқари таълимни қамраб олган замонавий узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, миллий моделнинг ўзига хослиги шундаки, у бугунги кундаги "Билим — бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" тамойили талабларига тўлиқ жавоб беради, яъни узлуксиздир. Бошқача айтганда, инсон бутун ҳаёти давомида билим олиш, касб кўникмалари ва янги мутахассисликларга эга бўлиш имкониятини қўлга киритди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида Ўзбекистонда мутлақо янги турдаги таълим тизими — ўрта махсус, касб-



Касб-хунар коллежлари ўқувчилари корхоналарда амалиёт ўтамоқда.



Олий ўқув юрлари талабалари замонавий технологияларни кўнгил билан ўзлаштирмоқда.

хунар таълими тизими яратилди, янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари барпо этилди, мактаб ва олий таълим тизими тубдан ислох қилинди.

Истиқлол йилларида ўн минглаб мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари бунёд этилди ва реконструкция қилинди. Чунинчи, ҳозир мамлакатимизда 9779та умумтаълим мактаби фаолият юритиб келмоқда.

**Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўйбга чиқариш доирасида 2004 – 2009 йилларда**

**8,5**

**мингдан ортқ мактаблар қурилди ва капитал таъмирдан чиқарилди.**

Уларнинг кўпчилиги қишлоқларда жойлашгани, айниқса, эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда.)

## ФАРЗАНДАЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

**Мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени – "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилганига 19 йил тўлди**



Буюк давлат асосларини қуриш, эркин ва фаровон жамият барпо этиш – истиқлолнинг илк кўнларидан мамлакатимизда стратегик мақсад этиб белгиланди. Албатта, бу эзгу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан келажақ авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени – "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилишида ҳам ана шундай улғу мақсадлар муҳассам.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақ-

сад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби йўналишлардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, яхлит тизимни ташкил этди. Бугун юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган замонавий тиббий марказлар, спорт иншоотлари, мусиқа мактаблари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

<b>ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА</b>	<p><b>БИЛИМ, САЛОҲИЯТ ВА НАТИЖА</b></p> <p>бу жиҳатлар ТДТУ ёшлари сый-ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда</p> <p><b>3-бет</b></p>	<p><i>Bolalar sporti</i></p> <p><b>ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ</b></p> <p><b>4-бет</b></p>
	<p><b>МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ</b></p> <p>қулайликлар яратишга хизмат қилади</p> <p><b>7-бет</b></p>	<p><b>СПОРТ, ИРОДА ВА БАРДОШ</b></p> <p>ҳаётда ғалаба қозонишнинг муҳим омилларидир</p> <p><b>15-бет</b></p>

# ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ БЎЛАЖАК ТАЪЛИМ ХАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу мақсадларда 1,4 триллион сўм маблаг сарфланди. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар сони мос равишда 1396 та ва 141тани ташкил этади. Мазкур билим масканларида бугунги кунда қарийб 1,7 миллион ўғил-қиз тахсил олмақда.

Бундай туб ислохотлар олий таълим тизимида ҳам амалга оширилиши натижасида, бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизим жорий этилди. Ўтган йиллар давомида олий таълим муассасалари сони 2 баробар кўпайди. Бугунги кунга келиб, юртимиздаги 59та университети ва олий ўқув юртлирида 230 мингдан зиёд талаба билим олмақда. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларининг 11 худудий филиали ва Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби етакчи хорижий олий ўқув юртлирининг бта филиали самарали фаолият юритиб келмоқда.

Танқидли экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ҳар қандай вазиятда, ҳаттоки бугунги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам таълим тизимининг ҳар томонлама раванқ топиши учун зарур қўлайликлар, имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан катта миқдордаги маблаг ажратилаётир. Давлатнинг алоҳида эътибори ва амалий ёрдами туйғайли республикада таълимнинг барча босқичларида тахсил олиш учун кенг йўл очилган. Пировардида жамиятни интеллектуал ва маънавий жиҳатдан тараққий эттириш ҳамда баркамол авлодни воёга етказишга хизмат қилувчи самарали узлуксиз таълим тизими яратилди.

Бугун Ўзбекистон таълимнинг барча босқичларида илгор тадқиқотлар олиб бориш имконияти, ҳар томонлама юқори илмий салоҳияти ва малакали кадрлари мавжуд бўлган катта миқдордаги таълим муассасаларига эга маданий-илмий марказдир. Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида мислсиз, бутун дунё эътирофига сазовор бўлган ютуқларга эришган мамлакат ҳамдир.

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16-17 феврал кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши юртимиз таълим тизимини тубдан ва ҳар томонлама ислоҳ қилиш бўйича эришган ижобий натижаларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олинishi бўлди.

Мазкур халқаро тадбир давомида иштирокчилар бир қатор таълим масканларида бўлишиб, у ердаги ўқув жараёнлари, илгор педагогик технологиялар ва Ўзбекистон таълим тизимининг натижалари билан яқиндан танишдилар. Дунёнинг унлаб мамлакатларидан келган таълим соҳасидаги танқидли мутахассислар, нуфузли халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, хорижий олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда профессорларидан таркиб топган чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни воёга етказиш учун барча шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қилдилар.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистоннинг юқори малакали кадрлар салоҳиятини муносиб баҳолаб, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарби-

ялаш ҳар қандай мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилиш асоси эканлиги ҳақида яқдил фикрга келдилар. Хорижлик экспертларнинг айтишича, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ҳамда таълим соҳасидаги илгор ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар салмоқли бўлиб, мутахассисларнинг малакаси ва профессионаллик даражаси мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш имконини берди, инвестициявий жозибадорлигини таъминлади. Шу боис улар Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатлари Тошкентни Марказий Осиё минтақасидаги таълим жараёнларининг асосий марказига айлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди, дея ишонч билдирдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг таълим тизимида эришган ютуқлар олдимизда турган янги ва янада кенг уфқларни очмоқда, деб айтиш имконини беради. Улардан бири Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўзига хос минтақавий таълим хаби (инглизчада "educational hub")га айланишидир.

Тор маънода, таълим хаби (educational hub) деганда турли йўналишларда юқори сифатли билим берадиган ҳамда халқаро миқёсда тан олинган таълим муассасалари фаолият юритадиган шаҳар, мамлакат ёки минтақа тушунилади. Унда ҳам маҳаллий, ҳам хорижлик тахсил олувчиларга билим берилади. Кенг маънода эса, таълим хаби (educational hub) — маҳаллий ва хорижлик тахсил олувчиларни ўзига жалб қилиш, таълим соҳаси ривожини учун маҳаллий ва хорижий инвестицияни киритиш, бутун дунё бўйлаб шахслар ҳамда ташкилотлар ўртасида ғоялар алмашишни рағбатлантириш, трансчегаравий таълим тизимини яратиш ва билимларга асосланган иқтисодиёт (knowledge-based economy)ни қуришдек стратегик мақсадларни амалга ошириш йўлида бирга ишлайдиган таълим муассасалари, компаниялар, илмий тадқиқот ва технология марказларнинг тўлиқ мажмуасини яратишга қаратилган аниқ мамлакат тушунилади.

Дунёда таълим хабларининг шаклланиши ва ривожланиши халқаро таълим соҳасидаги кучли рақобат натижасидир. Негаки, бугунги кунда таълим хизматларининг дунё бўйича экспорт ҳажми 1,5 триллион АҚШ долларига тенгдир. Бу эса таълим иқтисодиётнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлаб турибди. Буни аллақачон глобал таълим марказларига айланган ривожланган давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунонки, агар АҚШда 500 мингдан ортиқ хорижлик талаба ёки чет элда билим олаётган талабаларнинг 20 фоизи ўқийётган бўлса, таълим хизматларидан давлат бюджетига ҳар йили қарийб 20 миллиард доллар келиб тушади. Буюк Британияда (370 минг хорижлик талаба) бундай кўрсаткич автосаноат, ҳатто молиявий хизматлар улусидан ҳам кўпроқдир. Австралияда эса чет эллик талабалар (уларнинг сони 200 мингдан ортади)га қўрсатиладиган таълим хизматларидан келадиган даромад олтин қазиб чиқаришдан бир оз ортада бўлиб, тўртинчи ўринда туради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, бой тарихий-маданий меросга эга бўлган мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ютуқларга эришар экан, Марказий Осиёнинг янги минтақавий таълим хаби, юқори сифатли ва айна пайтда қулай таълим олишни хоҳлаганларга ёрқин машъала бўлиши йўлида катта салоҳиятга эга.

Шахриёр ТУРҒУНБОВ

(«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 1 март сонидан олинди.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлаш — бу жараёнга ҳисса қўшаётган меҳридарё инсонлар меҳнатининг юксак эътирофидир.

Икки даражадан иборат мазкур орден билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уни маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, соғлом авлодни воёга етказиш ишига улкан ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз мукофотланади. Шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мазкур орден билан мукофотланиши мумкин.

Ушбу орден билан мукофотланганлар орасида мамлакатимиздаги ўнлаб шифокорлар, ўқитувчи ва спорт мураббийлари, маданият ходимлари ҳамда халқаро миқёсда катта обрў-эътиборга эга инсонлар бор.

Президентимиз Исло

ни сақлаш тизимининг барча бўғинларини ўз ичига олади. Мамлакатимизда ушбу бўғинларнинг фаолияти комплекс равишда ва халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилган. Бу она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда юксак самаралар бермоқда.

Юртимизда аҳolini изчил ва самарали эмлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, одамлар ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда тарқалишининг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларда ёшларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутаети. Мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилган эътибор самарасида спорт бугун юртимиз таъ-

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Каримовнинг 2011 йил 24 ноябрдаги фармонида биноан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами ривожлантириш, хотин-қизлар ва болалар соғлигини сақлашнинг Глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен I даражада «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

— Мен ушбу юксак мукофотга лойиқ топгани учун Ўзбекистон Президентидан ғоят миннатдорман. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан она ва бола саломатлигини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилади. Бу эса бугунги кун ва келажакни ўйлаб қўйилган ғоят муҳим қадам эди. Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ёндашув ва қарашлари Исло Каримовнинг ташаббуси билан яратилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» моделининг номланишида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга улкан ва доимий эътибор қаратилмоқда, бу борада Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар ғоят юксак баҳога муносибдир, — деди Маргарет Чен хоним Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда.

Она ва бола саломатлигини таъминлаш ўта муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади. У биринчи тиббий ёрдам, стационар даволаш, доимий профилактика қўриқларини ўтказиш, шошилинч тиббий ёрдам қўрсатиш, иммунопрофилактика ва скрининг орқали ташхис қўйиш, шунингдек, ихтисослашган тиббий хизматлари каби соғлиқ-

ним-тарбия тизимининг узвий қисмига айланади.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик ҳаёт тарзига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилишидан кўзланган асосий мақсад — ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг камолини қўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб воёга етказишдир.

Мазкур орденнинг тасвирида бу жиҳатлар ўзига хос рамзий маъно-мазмун билан ифодаланган. Унинг ўнг қисмида қуёшнинг илиқ нурилар фонидан фарзандини оқчилаб турган она сиймоси акс эттирилган. Ватан тимсоли бўлган бу сиймо меҳр ва хотиржамлик билан фарзандига тикилиб турибди, беғубор ва бахтиёр бола эса қуёш нурига — порлоқ келажак талпинмоқда.

Орден бириктирилган داستانнинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасига уйғониш ва янгилиниш рамзи — гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган.

Дунёда касблар кўп. Лекин қобил фарзанд тарбиялаш, уни соғлом ва баркамол этиб ўстириш энг шарофли, айна пайтда, энг масъулятли вазифадир. Ҳар қандай жамият эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-этиқодли, мард ва жасур, маънавияти юксак фарзандлари билан фахрланади. Ана шундай ноёб филиалларга эга авлодни тарбиялаб воёга етказётган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, буюк давлатни фақат соғлом мулолат, соғлом авлод кура олади.

Анвар САМАДОВ,  
УзА шарҳловчиси

Тошкент давлат техника университетида Таълим — Фан — Ишлаб чиқариш узвийлиги самарали йўлга қўйилган. Талабалар университетда олган назарий билимларини замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилаётган малакавий амалиётларда мустахкамламоқда. Профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқотлари натижасида яратилаётган ишланмаларнинг тегишли соҳаларга тезкор таъбиқ этилиши эса корхоналар ривожланишига хизмат қилмоқда. Айти пайтда, университет билан Республикамининг 150дан зиёд етакчи корхоналари ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланган, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, ресурс ва энергия тежамкорлиги, экологик масалаларни ҳал этишга ҳамда дунё бозорида талаб юқори бўлган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилаёпти.

— Таълим муассасамиздаги «Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази ҳам талабаларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Тошкент давлат техника университети илмий ишлар бўйича проректори Карима Норкулова. — Университетда айти дамда 100дан ортиқ инновацион лойиҳалар бажарилмоқда. Эътиборлиси, бу лойиҳалар «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Шўртангаз» ОАЖ, «Ўзкимё-саноат» ДАК, «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати» ОАЖ, «Ёг-мой ва озик-овқат саноати ассоциацияси», «Ўзбеккабель» АЖ каби корхоналарга жорий этилмоқда.

«Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази ходими Зикрилла Алимовнинг таъкидлашича, марказда қўллаб-қувватлаш илм-фаннинг турли соҳалари бўйича кунт билан изланиш олиб бормоқда. Улар билан суҳбатлашиб, илмий тадқиқотлари янгиликлари билан қизиқдик.

— Техникага бўлган қизиқиш ҳар бир ўғил болада бўлса керак. Мен ҳам болалигимдан ҳар хил қурилмаларнинг тузилишига қизиқардим. Бу қизиқувчанлик фанни чуқур ўрганишимга, илм билан ошно тутинишимга сабаб бўлди. Бугун механика-машинозлик факультетининг материалларга баъдий ишлов бериш йўнали-

шида таҳсил оламан, — дейди 3-босқич талабаси Шарофиддин Мардонкулов. — Айти кунларда «Энгил оксидланувчи рангли металлларни суюқлантиришда ре-

мда металл бера олади. Аммо қайтарувчи печларнинг ванна чуқурлиги катта бўлмагани сабабли металлнинг куйиш микдори юқори, ёқилги сарфи кўп, самарадорлиги паст, қотишмадаги водород микдори баланд бўлади. «Машинасозлик материаллари» ишлов бериш кафедрасида маҳсулотнинг таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиққан юклаш қурилмаси шихтани 200—250 градус иссиқликда қиздиришга мўлжалланган бўлиб, газнинг сарфини 15—20 фоизгача иқтисод қилиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг 15—20 фоизга камайишига олиб келади. Лабораторияда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 20—25 даражага эга бўлган шихта 30—40 дақиқа давомида чиқиб кетаяётган газларнинг иссиқ-

интеллектуал салоҳият энг қиммат маҳсулот ҳисобланади. Буни талабаларга тушунириш уларни бебаҳо бойлик — билим олишга, инсонларга фойдаси тегадиган фаолият — илмий изланиш олиб боришга йўналтиради.

— Мен «Ғарбий Ўзбекистон (Бўкантоғ тоғлари) конлари мисолида олинаётган геологик маълумотларнинг ишончилиги ва аниқчилигини таъминлаш ва уларнинг самарали ечим йўллари» мавзусидаги илмий ишим учун зарур адабиётларни ахборот-ресурс марказидан топа оламан, — дейди стажер-тадқиқотчи изланувчи Баҳром Ҳунов. — Мавжуд геология тармоғи фонди материалларидан доимий равишда фойдаланиш имкониятига эгамиз. Давлат геология қўмитасининг ахборот марказида ҳафтасига икки марта ил-

**Oliy ta'lim**

дор Туляганов илмий раҳбарлигида турли ўтга чидамли материалларни таҳлил қилиш натижасида юқори сифат таркибли футеровкага эга бўлиш мақсадида «Электршлак печида чўян қириндиларини эритиш» мавзусида илмий иш қилмоқдаман. Илк натижалар олинди — электршлак печи футеровкасининг ейилиш жараёни ўрганилди, мақбул тизим ишлаб чиқилди. Энди эса ишланмани янада такомиллаштириш мақсадида келажакда йўналишим бўйича янги марраларни забт этиб, устозларим ишончини оқлашни ният қилганман.

Айти кунда, бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам барча соҳаларга энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Бунда эса сўзсиз муқобил энергиядан фойдаланиш кўламини кенгайтиришнинг аҳамияти каттадир.

— Маълумки, муқобил энергия марбалаари ичида қуёш энергиясидан фойдаланишнинг алоҳида ўрни бор, — дейди 3-курс талабаси Эркин Жўраев. — Мен ҳам Қуёш нуруларидан фойдаланиш, гелиотехникада автоматлаштиришни кучайтириш бўйича илмий иш олиб бормоқдаман. Маълумки, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг иссиқдонлар ва яшаш жойларини иситиш, биноларни иссиқ сув билан таъминлаш каби бир неча йўналишлари бор. Мен мева-сабзавотларни қуритиш йўналишида қурилма яратиб, патент олдим. Бу қурилма экологик соф, тежамкор, қулай ва ўнда вақт сарфи ҳам бир неча баробар камдир.

Бу изланувчан ёшларнинг барчаси юртимиз равнақи учун тежамкор ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишланмалар устида тадқиқот олиб бораётгани қувончлидир. Уларнинг бунданда кўпроқ ютуқларга эришиб, мамлакатимиз учун керакли кадр бўлиб етишишига шубҳа йўқ.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## БИЛИМ, САЛОҲИЯТ ВА НАТИЖА

*бу жиҳатлар ТДТУ ёшлари сабъ-ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда*

курс тежамкорлигини таъминлаш» мавзусида илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқдаман. Изланишларим давомида машинасозликда қўлланиладиган металл ва унинг қотишмаларини таҳлил қилмоқдаман.

Ёш тадқиқотчининг таъкидлашича, машинасозликда автомобилларнинг ёнилги мой сарфини камайтириш учун уларнинг вазинини пасайтириш эҳтиёжи алюминий ва унинг қотишмаларига бўлган талабни оширмоқда. Шу боисдан алюминий қотишмаларини эритиб олишда шихта ашёлари ва эритиш агрегатларини тўғри танлашнинг аҳамияти катта. Ҳозирги кунда газ қайтарувчи печлар алюминий қотишмаларини эритишда асосий агрегат ҳисобланади. Чунки бу печларнинг ишлаб чиқариш қуввати юқори ва катта ҳаж-

лиги таъсирида 200—250 градусга етиши аниқланди.

Шарофиддин Мардонкуловнинг бу борадаги изланишлари «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» IV Республика ярмаркасида мутахассислар эътиборига тушди. Ярмаркада ёш изланувчининг «Қуймакорлик печларининг юклаш ойнасининг конструкциясини такомиллаштириш» ишланмаси фахрий ёрлик билан тақдирланди. Эндиликда ушбу қурилма Бекободдаги «Ўзметкомбинат» корхонасида синовдан ўтказилмоқда ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш мўлжалланапти.

— Шогирдларимизнинг бу каби ютуқларини кўрганимизда дилимиз фаҳрга тўлади, — дейди техника фанлари номзоди, доцент Нодир Тураҳўжаев. — Аслини олганда, бугунги кунда

мий журналлар билан танишиб чиқамиз. Бундан ташқари, ҳар ойда бир марта дала-кузатув ишларини олиб борамиз,

— Дадам мана шу университетда қуймакорлик иши бўйича таҳсил олган. Шу боис ҳам менга яқин ва таниш, анча тушунча ва кўникмага эга бўлган шу соҳани танладим, — дейди тиришқоқ ва илмга чанқоқ талабалардан яна бири, 1-курс магистранти Мақсуд Курбонов. — Ишлаб чиқариш корхоналарида ўтаётган амалиёт жараёнида етарли шарт-шароитлар борлигига алоҳида ургу беришимиз керак. «Ёшларнинг инновацион ғоялари» маркази мени ва мен каби талабаларни доимий равишда қўллаб-қувватлайди. Илмий-тадқиқот лабораториялари ҳам бизнинг ихтиёримизда. Айти кунда Эл-


## ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Самарқанд шаҳридаги «Сино» очик акциядорлик жамиятида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб этиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят ҳарбий прокуратураси, шаҳар Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада юзга яқин корхона ва ташкилот 1 минг 162та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган аҳоли ва коллеж битирувчиларининг 100 нафарга яқини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

Суратларда: Самарқанд автомобилсозлик коллежи битирувчилари бўш иш ўринлари билан танишмоқда.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА)  
олган сурат.



**«Мустаҳкам оила йили»да Самарқандда ибратли ташаббусга қўл урилди.** Янги оила кураётган келин-куёвларга Алишер Навоий асарларини туҳфа қилиши, бу бебаҳо бойлиқни қизларга келин сепи сифатида бериш яхши анъананага айланмоқда. Самарқанд шаҳридаги Ҳазора маҳалласида яшовчи Холматовлар хондонига келин бўлиб тушган Шаҳрибону Жозилова бу оилга Алишер Навоий асарлари тўплами ҳамда бир қатор маърифий китоблар билан кириб келди.

— Хар бир ота-она сингари фарзандимизнинг билимли бўлиши, касб-хунар эгаллашига астойдил ҳаракат қилдик, — дейди келиннинг онаси Мусаввар Санакулова. — Шаҳрибонуни янги оилга узатишдан аввал турмуш ўртоғим билан маслахатлашиб, унинг сепига буюк бобомиз Алишер Навоий асарларини ҳам қўшидик. Чунки қизимизни келинликка олаётган оила аъзолари ҳам зиёли инсонлар, китобнинг қадр-қимматини яхши билишади. Шунинг учун янги қурилаётган оилда ҳам китоб энг қимматли бойлик бўлишини, улуг бобомиз асарларида тананум этилган азгу гоя ва мақсадлар фарзандларимизга йўлдош бўлишини истаб, уларга энг ноёб китобларни совға қилдик.

Бу йил вилоятда «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ҳокимлик ва турли идоралар, ҳомий ташкилотлар ёрдамида ўтказиладиган никоҳ тўйларида ҳам келин-куёвларга рўзгор учун керакли мебель, телевизор каби буюмлар билан бирга Алишер Навоий ва бошқа буюк алломаларимиз асарлари тўплами совға қилинади.

**Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент кимё-технология институти ҳамкорлигида «Кимёгар малаикалар - 2012» кўрик-танлови ўтказилди.**

8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирга маҳалла фаоллари, бошланғич хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Ижодий танлов жараёнида қизларнинг мамакатимиздаги ислохотларнинг моҳиятини тереан англаши, ўз ихтисослиги билан бирга ҳуқуқ, ахборот-коммуникация технологияларига оид билими, миллий анъана ва қадриятларимиздан хабардорлиги каби жиҳатларга эътибор қаратилди. Танлов якунида турли номинациялар бўйича ғолибларга faxрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Жиззах шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Ягона ойна марказининг «Болалар ўйин майдончаси»га тушди.**

Бу майдончада ота-оналарга бола тарбияси билан боғлиқ зарур ишларни амалга оширишда ёрдам берилди. Айна пайтада Жиззах шаҳрида йигирма олтинчи мактабга таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозиргача ота-оналар болаларини боғчага жойлаштириш учун шаҳар халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига мурожаат қилар, бу ишнинг ўзига хос овозрагарчиликлари бор эди. Энди «Ягона ойна маркази»нинг «Болалар ўйин майдончаси» орқали бу ишни шу ернинг ўзида амалга ошириш мумкин. Ота-оналар болаларини мактабга таълим муассасасига жойлаштириш учун марказнинг компьютер маълумотлар базасидан фойдаланиб, керакли муассасани танлаш, у билан интерфаол алоқа ўрнатиш, ҳужжатларни расмийлаштириш имкониятига эга бўлди.

Аҳолига қулайлик яратиш, фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатларини интерфаол усулда ҳал этиш мақсадида тузилган ушбу марказ шаҳар ҳокимлиги фаолиятининг очик ва ошкоралигини, жамоатчиликнинг ахборотга бўлган эътибонини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу билан айна пайтада маҳаллий давлат бошқарув органи тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантириш, ўрганиш, таҳлил қилиш имкони яратилди.

**Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» — да амалга оширилган ишлар таҳлили ва 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»даги устувор вазифаларга бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг вилоятлар бўлиmlари раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарда тасвирий тарғибот ишларининг сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш, бундай вазиталарни мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларига жойлаштириш ишларини яхшилаш, таълим даргоҳларининг маънавий хоналарини Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби асосида яратилган тасвирий кўргазма возиталари билан жиҳозлаш масалалари муҳокама этилди.

**ЎзА ва махус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида спортчи қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Қува маиший хизмат касб-хунар коллежиде ўтказилган ана шундай тадбирда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, чекка қишлоқларда ҳам мунтазам спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мустаҳкам моддий-техник базага эга спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Жамғарма ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида спортни омалаштириш, истеъдод эгалларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, қизлар ўртасида спортнинг барча турларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Жамғарма ташкил этилгандан буён вилоятимизда йигирмата янги спорт

иншооти ва 65 мактабда спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Халқ таълими ва зирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Фарғона вилояти филиали директори Маъруфжон Турдиматов. — Уларнинг 80 фо-

## Bolalar sporti

издан ортиғи қишлоқ жойларида барпо этилди. Мазкур спорт объектларида спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун замонавий шароитлар яратилди. Вилоятимизда ҳозир 105 мингдан зиёд 6-18 ёшгача бўлган қизлар спортга жалб этилган.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқийёс. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш миллат келажиги ва тақдирини учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, соғлом онандан соғлом бола дунёга келади. Вилоятда хотин-қизлар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2003 йилда фарғоналик хотин-қизларнинг 22 фоизи спорт

билан шуғулланган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди. Спортнинг бадий гимнастика, акробатика, теннис каби турлари қизлар ўртасида тобора омаллашиб бормоқда. Бадий гимнастика тўғрақларига бугунги кунда 3 мингдан зиёд қизлар қатнашмоқда.

Тадбирда 1 минг 195 нафар қизга Президент совғаси — спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

— Хотин-қизлар байрами арафасида спортчи қизларга кўрсатилаётган бундай катта эътибор ва ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди акробатика бўйича Осиё чемпиони, қувалик Камола Раҳмонова. — Бу эътибор ва рағбат бизни янада фаол бўлишга, ўз маҳоратимизни ошириш ва Ватанимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилишга ундайди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

# БИЛИМ СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАДИ

Умумтаълим фанлари бўйича Билимлар беллашувининг биринчи босқичида мактаб ўқувчилари орасида энг билимли ва иқтидорли ёшлар сараланганди. Мировод туманидаги 94-мактабда бўлиб ўтган беллашувнинг иккинчи босқичида 16та мактабнинг 456 нафар 5—8-синф ўқувчиси иштирок этиб, 13та фан бўйича Давлат таълим стандартлари асосида эгаллаган билим, кўникма ва малакасини синовдан ўтказди.

Икки кун давом этган мазкур тадбирда ўқувчилар диктант, ижодий баён, ёзма иш ва матн яратиш сингари назорат турлари бўйича ишлаб чиқилган саволларга жавоб бердилар. Таъкидлаш ҳозики, синов топшириқлари Тошкент шаҳар халқ таълими бош баджармаси тавсия асосида ишлаб чиқилиб, малакали мутахассислар ҳамда методистлар томонидан экспертизадан ўтказилди.

— Билимлар беллашувининг иккинчи босқ-

ичида 37 нафар ўқувчимиз иштирок этаяпти, — дейди 83-мактаб директори Мархабо Пирязова. — Мактаб босқичида хар бир фандан 5-6 нафардан ўқувчи қатнашиб, билимларини синовдан ўтказган эди. Бу галги

## «Bilimlar bellashuvi»

тайёргарлик жараёнларида мактаб босқичи натижаларини таҳлил қилиб, аввалги хато ва камчиликларни индорларимиз ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқлар устида иш олиб боришмоқда. Билимлар беллашувининг юқори савияда ташкил этилаётгани, иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг устозлари муносиб рағбатлантирилиб, қўллаб-қувватланаётгани боис қиска вақт ичида омаллашиб, ёшларнинг қизиқиши ва эътибори кучайишига сабаб бўлаётгани қувонарлидир.

Жавлон РОЗИҚОВ, ЎзДЖТУ талабаси

# ИБН СИНО — СОҒЛОМ ТУРМУШ АСОСЧИСИ

Ўзбек миллий академик драма театрида Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Ибн Сино халқаро жамоат фонди, Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида «Ибн Сино — соғлом турмуш асосчиси» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли «Соғлиқни сақлаш музейи» вакиллари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Ёшлар онига соғлом турмуш тарзи асосларини кўргаз-

малар асосида етказиб, тиббий маданиятини ошириш ва уларни соғлом, мустаҳкам оила қуришга тайёрлаш мақсади кўзланган тадбир аввалида рационал овқатланиш,

## Konferensiya

гиёҳвандликнинг олдини олиш, чекишга қарши кураш каби соғлом турмуш тарзига бағишланган стендлар намойиш қилинди.

Конференция давомида Тошкент тиббиёт академияси профессори Гули Шайхова-

нинг «Рационал овқатланиш-саломатлик мезони», Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси, доцент Лола Абдуқодированинг «Абу Али Ибн Сино таълимотида соғлом турмуш тарзи тамойиллари» мавзусидаги кўргазмали маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Илмий-амалий конференция якунида ушбу тадбирини анъанага айлантирган ҳолда Республика миқёсида ўтказишга қелишиб олинди.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА, «Ma'rifat» мухбири

Чет тилини ўрганмоқчимисиз? Уйлайманки, орангизда «ха», дейдиганлар кўплаб топилади. Бирок хорижий тилни ўрганиш кишидан билим, зеҳн, қизиқиш, қобилиятни талаб қилишдан ташқари ўзлаштиришнинг энг самарадор усулларини танлаб олишнинг муҳим ўрин эгаллашини барчамиз ҳам биламизми?

Хар қандай ишда иродали ва саботли бўлсалсакгина муайян муваффақиятларга эришамиз. Жумладан, хорижий тилни ўрганишда киши иродасига боғлиқ жараён — эсда сақлаб қолишнинг аҳамияти катта. Машҳур психолог Дейл Карнеги «Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати» рисоласида шундай ёзади: «Эслаб қолишнинг табиий қонунлари ниҳоятда оддий. Улар учтагина. Хар қандай «Эслаб қолиш тизими» ана шунга асосланади... гап таассурот, такрорлаш ва тасаввур, ҳис-туйғу, фикрнинг ўзаро боғланиши ҳақида бормоқда».

Баъзи чет тилини ўрганаётганлар сўзларни шеър каби ёдлаш йўлини тутадилар. Бирок бу ҳар доим ҳам кўзланган натижани беравермайдди. Чунки, чет тилидаги сўзларни «куруқ» ёд олиш унинг тезда унутилишига сабаб бўлади. Шу боис бирор сўзни ёдда сақлашни хоҳларканмиз, аввало, у ҳақда чуқур

монидан эътироф этилган қатор тавсиялар мавжуд:

— кундалик фаолиятингизда туғиладиган ҳар қандай фикр ва мулоҳазаларингизнинг ўрганаётган тилингиздаги вариантини ҳосил қилишга одатлангиз. Бу сўзлашув жараёнида осон, тез ва манتيкий фикрлашингизга қўмақланади;

таассуротни ҳосил қилишимиз керак. Бунинг учун бутун диққат-эътиборни бир жойга жамлаш зарур. Сўнгра сўзни синчковлик билан бир неча бор ўқишимиз, такрор-такрор ёзиб, машқ қилишимизга тўғри келади. Қачонки, ушбу сўзни эшитганимизда унинг шаклини кўз олдимизга ёрқин келтира олайлик.

Ўзга тилни ўрганишда ҳис-туйғунинг ҳам аҳамияти катта. Чунки эслаб қолиш тизимида ҳис-туйғуга чуқур таъсир ўтказган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ёки ҳолат хотирага тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чет тилини ўрганишнинг илк босқичи талабалари, дастлаб, ўзга тилдаги ҳис-туйғу ва кайфиятни ифодаловчи сўз ва жумаларни ёдда сақлаб қоладилар. Уларнинг «истеъмо»идаги фаол сўзларнинг 70 фоизини худди шундай мазмунли ифодаловчи лексемалар ташкил этади. Масалан, инглиз тилидаги «I like you — мен сизни яхши кўраман» ибораси бир марталик такрорлашдан кейин деярли барча бошланғич ўзлаштирувчиларнинг эсида қолар экан.

Чет тилини ўрганиш давомида хотирада сақланаётган сўзлар лугат бойлигимизга айланмас экан, самарадорлик «нол»га тенглигича қолаверди. Аслида, ўзга тилни ўрганишдан мақсад ҳам ўша тилда мулоқотта киришиш имконига эга бўлишдир, шундай эмасми? Лекин баъзи ўрганивчиларнинг озғани нутқ қобилиятини ривожланмай қолганига гувоҳ бўламиз. Бу чет тилидаги ёдда қолган сўз ва ибораларнинг кундалик ҳаётда фойдаланилмаганидан келиб чиқади. Ҳўш, ўрганаётган тилимизни жонли мулоқотга олиб киришимиз учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Бунинг учун мутахассислар то-

— чет тилидаги ўзингиз қизиққан матнларни (мақола, ҳикоя ҳам бўлиши мумкин) мунтазам равишда она тилингизга ёки она тилингиздан ўзга тилга ёзма таржима қилишни машқ қилинг. Бунда ёзилаётган эътибор қаратасиз ва у хотирага жойланиб боради;

— чет тилидаги диалогларни кўпроқ эшитиш зарур. Бунинг учун ўша тилдаги кино ва кўрсатувларни синчковлик билан кўриб бориш тавсия этилади;

— матнларни овоз чиқариб ўқиш чет тилини ўрганишда ижобий таъсирга эга. Бунда ўрганивчиларнинг сўзларни талаффуз қилиш маҳорати ошади, шунингдек, эсда сақлаб қолиш осонлашади. Чунки, матнлар овоз чиқариб ўқилганда сўзлар нафақат кўриш, балки эшитиш аззоси орқали ҳам қабул қилинади;

— хато гапириб қўйишдан хижолат тортмай, ўрганаётган тилингизда сўзлашишга ҳаракат қилинг.

Чет тилидаги сўзларни ёдлаб қолишда такрорлаш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бирок бунга кўр-кўрона тарзда ёндашмаслик керак. Рухшунос Дейл Карнеги бунда онгли такрорлаш, яъни сўзларни айрим ўзига хосликлар билан тегишли тарзда идрок қилиш жуда зарур эканлигини таъкидлайди. Олимнинг рисоласида келтирилшича, профессор Эббингхауз ўз талабаларига эслаб қолиш учун маънога эга бўлмаган «лексос», «қоли» каби сўзлардан иборат узундан-узун рўйхат берган. Психологик тадқиқот натижасида талабалар уч кун ичида ўттиз саккиз марта такрорлаганидан кейин бир кун ичида олтими саккиз марта такрорлаганидан нечта сўз ёдланган бўлса, шунча ёдлай олиши маълум бўлган. Бошқа руҳий тестлар

ҳам айнан ана шундай натижаларни кўрсатган.

**Дилором Султонова, ЎзДЖТУ қошидаги республика Тил ўқитиш маркази ўқитувчиси:**

— Инглиз тилини ўрганиш ёзиш (writing skills), гапириш (speaking skills), ўқиш (reading skills), тинглаш (listening skills) каби босқичларни ўз ичига олади. Бирок ушбу босқичларнинг мукамал ўзлаштирилиши чет тили грамматикасининг қай даражада ўрганилганига боғлиқ. Чунки тилдаги отлар, феъллар, сифатлар нима, улар қайси қўшимчалар билан ясалди, гаплар қандай тузилади, унда эга, кесим, аниқловчи ва гапнинг бошқа синтактик бўлақлари қандай жойлашади, замонларни яшас қайси қоидаларга бўйсунди, каби саволларга мукамал жавоб олмастан туриб бирон ижобий натижага эришиш қийин. Масалан, оддий ҳозирги замон (Present simple) феълларини ҳосил қилиш ҳам маълум формулага таянади.

Бундай ўқувчилар жуфтликларга бўлинади ва улар галма-гал доска ёнига тақриф этилади. Ўқитувчи ўзи хоҳлаган 10та инглизча сўзни доскага ёзади. Жуфтликлардан бири доскага, иккинчиси эса ўқувчиларга қараб туриши сўралади. Доскага юзланиб турган ўқувчи унда ёзилган сўзларнинг инглизча таърифини келтиради. Жуфти эса ўша сўзни топиши лозим. Кўп сўз топа олган жуфтлик голиб деб топилади. Кейин эса бошқа сўзлар билан навбатдаги жуфтлик сновдан ўтказилади. Бунда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ўсади, нутқ қобилияти ривожланади.

Ўқитишда «reader»лардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг ўтиланган маззулар юзасидан олган билимларини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан биридир. Reader бу аслиятда бадий асарларнинг тил ўрганивчиларга тушунарли ва осон бўлиши учун соддалаштирилиб, махсус қайта чоп этилган варианты ҳисоблана-

## Dolzarb mavzu

кутаётганда, автобусда бўладими, ўрганивчи чет тили билан самарали шуғулланиш имконини беради.

**Ҳаётхон Тоирова, республика Таълим маркази мутахассиси:**

— Юртбошимиз «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлик хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим

# ЎЗГА ТИЛНИ ЎРГАНИШ ОНА ТИЛИГА МЕҲР ҚЎЙИШДАН БОШЛАНАДИ

Жумладан, ушбу замоннинг III шахс бирликдан ташқари барча шакллари феълнинг асосий шаклини (инфинитивнинг) то юкласи тушириб қолдирилган шаклини) қўйиш билан ясалди: I/you/we/they read. III шахс бирликда эса феълнинг асосий шаклига -s/-es қўшимчиси қўйилади: He (she, it) reads.

Оддий ҳозирги замоннинг бўлишсиз шакли асосий феълнинг олдида do (III шахс бирликда does) ёрдамчи феъли ва not инкор юкласини қўйиш, сўроқ шакли эса do (does) ёрдамчи феълнинг эгадан олдинга олиб чиқиш билан ясалди. Ҳикмоқ (read) феълнинг шахс-сондаги бошқача ҳар қандай тусланиши грамматик жиҳатдан хато ҳисобланади. Чет тилининг грамматика ва лексик қонун-қоидаларини намунали ўзлаштириш ўрганивчида «Нотўғри гапириб қўйсам, устимдан кулишади», деган ҳадик ва хавотирни йўқотади, ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлайди.

**Гулчебра Вайсова, ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси:**

— Тил ўргатиш жараёнида кенг миқдосдаги ўқув материаллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг қизиқишини янада кучайтиради. Ўз ўрнида бу материаллар замонавий, ихчам ва самарали бўлиши керак. Инглиз тили лугат тарихига ҳар йили минглаб янги сўзлар, атамалар кириб келади. Шу боис материалларнинг амортизациясини назорат қилиб туриш муҳим.

Баъзи чет тили фани ўқитувчилари дарс ўтишда фақатгина ўқув дарсликларидангина фойдаланишади. Аслида, ўқитишнинг турли интерфаол, ноанъанавий усулларини қўллаш самаралироқ. Масалан, инглиз тили дарсида «Таъриф беринг» ўйинини ўтказиш мум-

ди. Бундай китоблар турли даражага эга бўлган барча ўрганивчилар учун мўлжалланган.

Китоб ўқиш инглиз тилини синфсиз ва ўқитувчисиз ўрганишнинг оптимал усули ҳамдир. Бунда ўқитишнинг узлуksиз давом этиши унинг самарали айланма ҳаракатига олиб келади. Яъни, ўқувчи қанчалик кўп ўқиса, шунчалик яхши натижаларга эриша билади. Бу эса уни янада кўпроқ ўқишга ундайди. Шу ерда бир нарсани эътиборга олиш керак, агар ўқувчи ҳикоя ёки асарни нотўғри талқин қилса, ўқиш унга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Шунинг учун ўқиш мобайнида ўқувчи ҳеч қандай лугатлардан фойдаланмаслиги лозим. Негаки, ушбу асарлар ўқувчининг қайси босқичдалигига мос тарзда соддалаштирилган бўлиб, лугатдаги сўзларнинг бошқа маънолари уни чалғитиши мумкин. Демак, readerлар ўқувчиларнинг тил ўрганишдаги имкониятини янада кенгайтиради.

**Рўза Жуманиёзова, ЎзДЖТУ талабаси:**

— Мен чет тилини ўрганишда ўзимга хос усулларни яратиб олганман. Яъни, бунда «карточка»лардан фойдаланаман. «Карточка»ларни тайёрлашда А-4 форматдаги оқ қоғозни қўриқиб, 12 қисмга ажратаман. Сўнгра уларнинг олд томонига инглизча сўз ёки гапни, орқа тарафига унинг ўзбекча таржимасини ёзаман. Ёдлаш жараёнида қоғозларнинг «инглизча» томонига қараб, ўзбекча сўзни ёки ўзбекча сўзга қараб унинг инглизчасини эслашга уринаман. Ёдимга келмай қолган сўзни дарҳол «карточка»нинг орқасига қараб билиб оламан. Бунинг фойдали жиҳатлари кўп. Биринчидан, такрорлаш жараёни вақт «ўғирламайди». Иккинчидан, бундай қоғозчаларни чўнтакка солиб юриш қулай. Бу исталган пайтда: метрода, врач қабулида навбат

шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз», дея олоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, юртимизда чет тилларининг ўқитилиши узлуksиз таълимнинг муҳим қисмига айланган.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга ДТС ва ўқув дастурлари асосида, коммуникатив методда чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда яратилган «Fly high» ва «English matters» номли инглиз тили дарсликлари, «Bonjour la France», «Voyage en France», «Bon voyage», «Nouveau voyage en France», «D'un etat a l'autre» номли француз тили дарсликлари ҳамда «Deutsch» ва «Assalom, Deutsch» номли немис тили дарсликлари асосида инглиз, француз, немис тиллари ўқитилмоқда. Ававалги дарсликларда грамматикага кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, ҳозирги кун дарсликларига грамматикага оид материаллар билан биргаликда ўқувчининг озғани нутқини ривожлантирувчи, фикрлаш қобилиятини ўстирувчи машқлар ва матнлар ҳам киритилганки, бундан мақсад умумтаълим мактабларини битираётган ўғил-қизларимизнинг ўзи ўрганаётган хорижий тилни яхшироқ билиши, ўша тилда гаплаша олишига эришишидир.

Ўз она тилини пухта билган кишигина ўзга халқ тилини равоқ ўзлаштира олади. Сабаб тил қоидаларининг ўлғашлигидангина эмас, балки тилга бўлган ёндашувларнинг умумий мезонларга таянишида. Шу боис, аввало, бешик-дадилгимиздаёқ жон қулугимизга синган, аждодларимизнинг нафаси ўфурган она тилимизни севиб, ардоқлайлик. Зеро, ўз тилига меҳр бера олган кишигина ўзга тилни ҳурмат билан ўргана олади.

**Дилшод ҚАРИМОВ, «Ma'rifat» муҳбири**

# БУГУН ЎҚИЙДИГАН ЎҚУВЧИ, ЎҚИТАДИГАН ЎҚИТУВЧИ КЕРАК

**Карвон занжирингда мен кичик халқа, Нима бера олдим элимга, халққа. Эй кўнгли уйгон, бир жўшиб балқ-да, Биз ҳали ошмаган доvonлар қанча.**

Хар тонг қалбимни шу даъват билан огоҳ этаман-да, иш фаолиятимни бошлайман. Негаки, ёш авлодни оқилу доно, зуқко ва билимли этиб тарбиялаш учун олдимизда бир қанча муҳим вазифаларимиз бор.

Инсонга чин кўнглидан ишлаш учун руҳ берадиган куч нима, биласизми? Ўзи ва юртининг озодлиги, эркинлиги, кўз олдида фарзандларни ҳамда юртдошларининг кундан-кунга янгидан-янги ютуқларни кўлга киритиши. Ана шунда ким учун, нима мақсадда меҳнат қилаётганингизни юрак-юракдан ҳис қиласиз. Мен ўқитувчилик фаолиятимни бошлаганимга кўп йиллар бўлди. Миллатим деса «Мил-

латчи», ватаним деб гапирсангиз «халқларара дўстликка қарши қичувчи» деган тамғалар остида қоладиган даврларда бегубор нигоҳлар — ўқувчиларга қараб шу юртининг эртаси сизларсиз, ота-боболаримиз каби улуг инсонлар бўлинглар, дея олмаслигимиз ўқитувчи халқининг руҳию қалбини исканжага олувчи кишан эди.

Самарқанд давлат педагогика институтининг биология факультетида тахсил олиб, Хатирчи туманидаги ўзим таълим олган Сарой қишлоғида 13-ўрта мактабга ишга қайтдим. Устозим «Биз сенга кимё-биология фанларидан сабоқ беришни ишонч билан топшираямиз», деганида мен ҳали ўқитувчилик масъулияти, унинг мана шундай машаққатларини тўлиқ ҳис қилмаган эканман. Йиллар ўтиши билан ўз фарзандларимдек яқин, кўзимнинг оқу қоралари бўлган ўқувчиларга ўзимизнинг ота-боболаримиз илм-фан соҳасида ҳеч

нарса қилмаган, ҳаммасини Дарвин ёки қайсидир бир рус олими кашф қилган дейишнинг оғриғи ва оғирлиги дилларни эзадиган бўлиб қолди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ таълим соҳасига эътибор кучайтирилиб, аждоқларимизнинг дунё тамаддуни тебратган бемисл

ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам буни бир овоздан таъкидлашди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилида 13-умумий ўрта таълим мактаби таркибидан бизнинг 72-таънч (саккиз йиллик) мактабимиз ташкил қилинди. Шунда мактабда директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозими зиммамга топширилди. 2006 йилда бизнинг мактабимиз ҳам Умуммиллий дастур доирасида тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Муассасамизда кимё-биология, физика, информатика, тасвирий санъат ва чизмачилик, касбий таълим, тиббиёт йўналишлари бўйича хоналар ташкил этилиб, зарур ишланмалар ва лаборатория ускуналари етказиб берилди. Ўн уч номдаги фан ва синф

хоналари ташкил қилинди ва замонавий мебеллар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, бугун шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасида фарқ сезмайсиз. Бу шарт-шароитларни кўриб илҳомланган раҳматли устозимиз Р.Хушвақтовнинг «Энди ўқийдиган ўқувчи, ўқитадиган ўқитувчи керак» деган гаплари қулқоқларим остида бот-бот жаранга-лайди. Ҳозирги кунда шу даргоҳни бошқариш масъулияти зиммамда экан, устозимнинг ана шу сўзларини шпор биллиб меҳнат қилишга бел боғлаганман. Бундан ташқари, ўқув масканимиздаги устозу шоғирдлар орасида илм-маърифатга ташналик, миллий меросимизни ўрганиш кайфияти, замонавий илм-фан сирларини эгаллаш иштиёқи юқори эканидан гурурланаман.

**Келдиёр ХУДОЁРОВ,**  
Хатирчи туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактаби директори,  
Халқ таълими аълочиси

## Kecha va bugun

илмий хазиналари, бой тарихий илдирга эга маънавияти ҳақида ўқувчиларга янада кўпроқ маълумотларни бериш имкони пайдо бўлди. Дарсликларимиз, ўқув дастурларимиз буюк тарихимиз, инсон маънавиятини юксалтириш, чуқур билим эгаллаш билан бирга миллий ўзлиқни англашга қаратилган билимлар билан бойиди. Бугун таълим соҳасидаги ислохотлар натижалар соҳада эришилган натижалар салмоғини бутун дунё эътироф этмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Оқсаб билими

## ҲАР БИР БОЛА ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Фарзандни ардоқлаш, уни севиш, камолга етказиш ва ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар азалдан халқимизга хосдир. «Боланинг бегонаси бўлмайди» нақлига таянган юртдошларимиз ҳар бир болага меҳр бергиси келади. Мамлакатимизда ҳимояга муҳтож болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни кўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан турли сабабларга қараб кувчисиз қолган фарзандларни оилавий муҳитга мослаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент SOS болалар маҳалласи, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-онасидан эрта ажраган болалар ва тарбияси оғир ўсмирлар ҳамда ногирон фарзандларнинг ихтимойий ҳимоясига қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилган.

«Ҳар бир болага меҳрли уй гўшаси» деб

### Seminar

номланган семинарда меҳрибонлик уйи битирувчиларининг ўқиши ва яшаш жойи билан таъминланиши, уларни оилавий муҳитга яқинлаштириш бўйича мулоқот олиб борилди. Оиласидан маҳрум бўлган фарзандларнинг оила муҳитида ўсиши учун имконият яратиш масаласи муҳокама қилинди. Семинарда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари «Мен ҳам муҳим аҳамиятга эгаман» лойиҳасида иштирок этиб, келажакдаги режалари хусусида тўлқинланиб гапиришди. Халқ таълими вазирлиги болаларни ихтимойий кўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш шўъбаси раҳбари Матлуба Охунова сўзга чиқиб, барча меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда маҳаллий ҳокимият ва маҳаллаларни бу ишга жалб қилиш, фарзанд боқиб олиш имкониятига эга оилаларни танлаш, илҳом борица болаларни оилавий муҳитга қайтариш масалалари хусусида гапириб ўтди.

**Феруза ХОЛМУРОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

## ЖОНЛИ ИЖРО ЖОЗИБАСИ

Катта сахна. Созандалар жамоаси, микрофон ва юзлаб синчков томошабин. Хонанда ўз юрагида ҳаққираётган «дард»ни ширалли овози орқали жонли оламга чиқаради. Унда кечаётган ҳаяжон беихтиёр тингловчи қалбига ўтади: таналар жунжиқайди, диллар ажиб бир туйғу ҳис этади. Жонли ижро шу жиҳати билан ҳам жонли-да!

Ўзбекистон давлат консерваториясининг мухташам саройида бўлиб ўтган «Марди майдон» жонли ижродаги кўшиқлар фестивалига йилгилан санъат илҳомландиргани ҳам ана шу фикрларни ҳис этишгани, шубҳасиз.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «ТетраGroup» МЧЖ ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивал эста-

рада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишлари бўйича ижод қилаётган хонандаларни ўз атрофига бирлаштирди. Фестивал ҳар икки ойда ўтказилиб, лауреатлар йил якунидаги катта гала-концертда тақдирланмоқда. — 2011 йилнинг 25 апрель, 25 июнь ва 25 октябрь кунлари бўлиб ўтган фестивал доирасидаги концертларда 20 нафардан ортиқ ёш ижодкорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди, — деди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси матбуот хизмати масъул ходими Одил Абдуқохоров. — Якуний гала-концертда истеъодли хонандалар — Умида Хўжаева, Эътибор Отажонов ва Шерзод Ортиқов лауреат дипломи билан тақдирландилар. Шунингдек, 19 нафар иштирокчи рағбатлантирувчи диплом, 12 нафарига эса им-

тиёзли лицензиялар топширилди.

Фестивалда иштирок этишни истаган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар тегишли ҳужжатларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига тақдим этишлари керак. Кўшиқларнинг янги ва оригиналлиги, матннинг таъсирчан ва бадиий образларга бўйлиги, ижодкорнинг овози, сахна ҳаракати, нуқт маданияти ҳамда ижро услуби унда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади.

Жонли ижронинг жозибаси ижрочи ва тингловчи ўртасидаги самимий мулоқотда акс этади. Бу каби тадбирлар фақатгина хонандани ҳар томонлама чарқлаб қолмай, томошабиннинг эстетик дидини ҳам ўстиради.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА**

ЎЗМУ қошидаги Зангиота академик лицейи жамоаси илм масканига зуқко ва билимдон ўқувчиларни танлаб олишнинг ўзига хос йўлини топишди, яъни улар университет ҳамда «Камолот» ЕИХ билан биргаликда Зангиота туманидаги умумий ўрта таълим мактабларининг энг аълочи ўқувчилари ўртасида «Аждоқларга муносиб ворис бўлайлик!» мавзуда интеллектуал билим-ринг ўтказишди.

Танлов шартига кўра, тумандаги барча мактаблар 9-синф битирувчиларининг аълочиларидан 4 нафардан танланиб, гуруҳ ташкил этилди. Зуқко ўқувчилардан ўз гуруҳларига муносиб шпор танлашлари ва деворий газетда аждоқларимиз фаолияти ёритилиши баробарида

## ОДДИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ТАНЛОВ

зуқко ва билимдон ўқувчиларни саралади

қўшимча тарих, ҳуқуқ ва она тили, адабиёт фанларидан тайёрланган саволларга жавоб беришлари талаб этилди. Кейинги босқичдаги шартлар аниқ, табиий, хорийжий фанлар йўналишида бўлиб, тўрт босқичда ўқувчилар билими баҳоланиши кўзда тутилди.

— «Аждоқларга муносиб ворис бўлайлик!» шпори тўрт кун давомида академик лицей фойесида, фаоллар залида, иштирокчилар дилию, тилида жаранглаб турди, — дейди лойиҳа муаллифи, академик лицей раҳбари Назокат Жўраева. — Мақсад аниқ: аждоқларимизнинг инсоният ривожига ҳамда дунё фанига қўшган ҳиссаларини яқши ўрганиб, ёш авлод қалбига фахрланиш туйғусини уйғотиш ҳамда уларнинг муносиб издошлари бўлишга руҳлантириш тадбир сўнгида 70-, 14-, 62-мактаб жамоалари биринчи, 58-, 64-, 42-, 61-мактаблар жамоалари иккинчи, 72-, 45-, 56-, 40-мактаб жамоалари учинчи ўринга муносиб деб топилди. Совринли ўрин эгаларига университет Фахрий ёлғири, академик лицей фойесиди ЕИХ вилоят бўлими кенгаши томонидан эсдалик совгалари тақдим этилди. Энг муҳими, лицей раҳбари бу ерда ўқиш истагини билдирган барча голиб гуруҳ ўқувчиларининг ҳеч қандай танловларсиз ўқишга қабул қилинганликларини эълон қилганида бу хабар йилгиланларнинг қизгин олқишига сазовор бўлди.

**Гулноза ТУРДИЕВА**

Бугун юртимиз таълим муассасаларида яратилаётган шарт-шароитлар, улкан имкониятлар педагоглар зиммасига ҳам худди шундай улкан масъулият юкламоқда. Буни чуқур англаган ҳолда педагогик жамоамиз ўз олдида, энг аввало, таълим ва тарбияни уйғун тарзда олиб боришни мақсад қилиб қўйган.

Ўқитувчи ўз фанидан пухта би-

гогик кенгашларда ўқитувчилар фикр-мулоҳаза аллашиб, тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Илғор тажрибали устозлар томонидан мактабда энди иш бошлаган ёш педагогларга дарс ўтиш усуллари бўйича тавсиялар бериш йўлга қўйилган.

Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамаб

## ТАЖРИБАГА ТАЯНИЛГАН ТАЪЛИМ

ўқувчига пухта билим бериш асоси

лим берса ўқувчининг шу фанга нисбатан қизиқиши ошиши шубҳасиз. Бунинг учун ўқитувчидан кучли салоҳиятга эга бўлиш, машғулот жараёнларида кўргазмалли воқеалардан унумли фойдаланиш ва шу орқали ўқувчини энг сўнгги янгиликлар билан қуроллантириш талаб этилади.

Илм масканида ҳар бир фанни интерфаол усуллар орқали ноанъанавий ташкил этиш бўйича педа-

олиш бўйича синф раҳбарлари ва ота-оналар ҳамкорлиги, илм маскани билан академик лицей ва касбухона коллежлари ўртасидаги алоқалар яқши йўлга қўйилмоқда. Бу санъат-ҳаракатлар натижа бериб, илм масканида ташкил этилаётган тадбирларда, «Очиқ эшиклар кўни»да ўз аксини топмоқда.

**Дилфуза АЛЛАЁРОВА,**  
Косон туманидаги 96-мактаб ўқитувчиси

Пахтаобод туманида-  
ги қишлоқ хўжалиги  
касб-хунар коллежид  
12 йўналиш бўйича малакали мутахассис-  
лар тайёрланади. Ўқувчиларнинг назарий  
ва амалий билим олишларини ташкил  
этиш баробарида йилнинг бошиданоқ  
уларни иш билан таъминлаш масаласига  
ҳам эътибор қаратилади. Бунинг натижа-  
си сифатида ўтган йили коллежни тамом-  
лаган 413 нафар битирувчининг 100 фоиз  
иш билан таъминланганлигини айтиш мум-

### Istiqlol va imkoniyat

ларини синаш ва аккумулятор батареяларини таъмирлаш бўйича дас-  
тгоҳлар ўрнатилган. Коллеж ҳудудига яқин  
жойда асаларичилик, паррандачилик, чор-  
вачилик бўйича ўқув марказлари ташкил  
этилган. Автодром, трактордром ва устахо-  
налар ўқувчилар ихтиёрида. 135 ўринли  
ўқувчилар турар жойларида яшаш учун  
яқин шароитлар яратилган. Бундай қулай-  
ликларнинг барчаси ўғил-қизларнинг бир  
неча касб эгалари бўлишига имкон ярата-

## ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – ЮЗ ФОИЗ

кин. Улар ҳозир фермер хўжаликлари, му-  
қобил трактор парклари, автосервис, мак-  
табгача таълим муассасалари, «Сувоқава»  
ва бошқа корхона, ташкилотларда иш-  
лаяпти. Коллеж давлат бюджети ва Осие  
Тараққиёт Банки лойиҳаси бўйича етарли  
даражада замонавий техника воситалари  
билан таъминланган. 109 гектар (пахта, дон,  
чорва, сабзавотчилик) ўқув-тажриба учас-  
тасига эга. 35та турли маркадаги трактор,  
экскаватор, комбайн, юк ва енгил ав-  
томобиллар ҳам ўқувчилар ихтиёрида.  
8 йўналишда тахсил кўраётган ўқувчилар  
диплом билан бирга енгил ва юк машина-  
лари, трактор ҳайдовчиси гувоҳномасига  
эга бўлишади. Чорвачилик мажмуасида  
8 бош қорамол, 900та товуқ боқилапти.  
Яқин орада 30та дастгоҳ олиб, тикув цехи  
очиш мўлжалланяпти.

Туман трактор паркида ҳам амалиёт ўт-  
кашиш учун «Устоз-шогирд» аънанаси яқин  
йўлга қўйилган. Бу ерда газ пайвандлаш,  
металларга ишлов бериш, ёнилги насос-

япти. Кўшимча даромадлар ҳисобидан ўқув-  
чиларга кунига бир маҳалдан иссиқ овқат,  
20 нафар кам таъминланган оила фарзан-  
дларига стипендия берилади. Аълочи,  
фаол ўқувчилар рағбатлантириб бориляпти.  
Янги йил арафасида 60 нафар ана шун-  
дай ўқувчи мукофотланди. Ўқувчилардан Но-  
зима Абдусаматова география йўналиши  
бўйича олимпиадада вилоятда биринчи,  
республикада учинчи ўринни эгаллади.  
И.Йўлдошев эса бокс бўйича вилоят чемпи-  
они. Махсус фанлар бўйича ўқитувчи Ма-  
даминжон Нишонов «Республикада хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига  
эга. И.Ҳамроқулов, Ж.Хўжамбердиева, Х.Те-  
шабоева, О.Акрамов каби ўқитувчилар меҳ-  
натларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни кунларда коллеж жамоаси 2012 йил  
битирувчиларини иш билан таъминлаш  
юзасидан ҳамкорлар билан аниқ режа асо-  
сида фаолият олиб бормоқда.

Орифжон СИДДИКОВ  
«Ma'rifat» мухбири



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июл-  
да қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари-  
нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг  
фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга  
мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси  
юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга  
оширилмоқда.

Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларининг аксарияти  
янгидан қурилиб, эскиларни капитал реконструкция қилинди.  
Ана шундай муассасалардан бири Самарқанд шаҳридаги  
4-болалар мусиқа ва санъат мактабиде ёшлар тасвирий ва  
амалий санъат, флейта, рақс, дамли созлар, вокал, рубоб,  
фортепьяно, доира каби мусиқа асбобларининг сир асрор-  
ларини ўрганмоқдалар. Шу мактаб ўқувчиси Раъно Авазова  
2010 йили Республика Ниҳол мукофоти совриндори бўлди.  
Ҳозир пойтахтимиздаги Ўзбекистон Консерваториясида таъ-  
лим олмақда. Ўтган йили эса «Янги авлод» кўрик-танловининг  
республика босқичида Тўмарис Жаркинова скрипка,  
Влада Қодирова флейта сози бўйича совринли ўринларни  
қўлга киритдилар.

Т.НОРКУЛОВ олган сурат.

Ҳозирги кунда ижтимоий  
ҳаётнинг барча жабҳаларида  
математик моделлаштиришдан  
кенг фойдаланилаёпти. Хусусан,  
йўлларда янги бекатлар  
қуриш ва автобусларнинг  
жўнаш оралиқларини белги-  
лашда математик моделлаш-  
тиришдан фойдаланиш мум-  
кин. Бу масала ижтимоий  
аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги  
бозор иқтисодиёти шароитида  
автотранспорт воситалари  
томонидан аҳолига сифатли  
хизмат кўрсатиш, уларнинг  
хавфсизлигини таъминлаш ва  
ёнилгини тежаш борасида са-  
марали натижалар беради.

Куйида Термиз шаҳри ми-  
солида математик моделлаш-  
тиришнинг янги бекатлар  
қуриш ва автобусларнинг  
жўнаш оралиқларини белги-  
лашдаги аҳамиятини кўриб чи-  
қамиз. Айни вақтда шаҳардаги  
деярли барча йўловчи бекат-  
ларини замон талабларидан  
келиб чиққан ҳолда янгидан  
қуриш мўлжалланмоқда.

Маълумки, йўловчи ташиш  
автотранспортларининг ҳара-  
катланиши билан боғлиқ му-  
аммолар, айниқса, куннинг ти-  
ғиз пайтлари (эрталабки соат  
6:50дан 8:30гача, кундузги  
соат 11:30 дан 13:30гача  
ҳамда кечки соат 17:30дан  
19:00гача) кўзга ташланади.  
Биз мазкур муаммони ижобий  
ҳал этишни шаҳардаги 5-йўна-  
лиш бўйича қатновчи автобус  
мисолида кўриб ўтамиз. Бу  
йўналишнинг умумий масофа-  
си 7,7 км. бўлиб, унинг моде-  
лини S билан, 5-йўналиш  
бўйича қатновчи автобус  
билан,  
нинг ҳаракат тезли-  
гини V билан, S ни босиб  
ўтишга кетадиган вақтни T би-

лан белгилаймиз. Шунда  
нинг ҳаракатланиш  
қонуни  $S=VT$  ифода билан  
аниқланади, бу бизга физика-  
дан ҳам маълум. нинг  
ҳаракатланиш йўналиши  
макети куйидаги чизмадан  
иборат (1-чизмага қаранг):  
Йўналишнинг боши ва  
охирини мос ҳолда A ва B  
ҳарфлари билан белгилаймиз.  
A нуктадан B нуктага боргунча  
ўртача  $T=35$  дақиқа  
вақт сарфлайди ва йўлда ка-  
мида 32 марта тўхтайдди. Маъ-  
лумки, A нуктадан B нуктагача  
бўлган масофа  $S=7,7$  км.  
бўлиб, унда асосий 17 та  
тўхташ объекти бор. Бу  
объектлар орасидаги масофа-  
лар ўртача 450 м. атрофида.

Қулайлик учун ҳар 450 м. ма-  
софада йўловчи бекатлари  
қурилса, жами 17та бекат  
қуришга тўғри келар экан.  
Ҳозир бта бекат мавжуд. Де-  
мак, яна 11та янги бекат қуриш  
ёки қурилиш харажатларини  
камайтириш мақсадида янги  
бекат қурилиши керак бўлган

### Menda taklif bor



жойлар сариқ бирчизик билан  
бўялиб, A ҳарф билан белги-  
ланиши керак. Автобуслар  
жўнаш оралиғи 10 дақиқа.  
Аҳолига қулай бўлиши учун  
тиғиз пайтда бу оралиқни  
50фоиз камайтириш зарур.  
Бекатларнинг макетини © би-

лан белгиласак, янги бекатлар  
қурилгандан кейин ҳосил  
бўладиган жами бекатлар чи-  
змада куйидагича тасвирлана-  
ди (2-чизмага қаранг):

Йўналиш бўйича қатновчи  
автобуслар, асосан, «Isuzu»-  
лардан иборат бўлиб, улар 100  
км. масофага 17 литр ёнилги  
сарфлайди. Тўхташлар сони  
кўпчилиги сабабли, автобус гил-  
дираклари ва эҳтиёт қисмла-  
рини тез-тез алмаштириб ту-  
ришга тўғри келади. Тормоз  
бериш учун ричагларнинг ҳад-  
дан ортиқ кўп ишлатилиши ва  
ишқаланиш кучи таъсирида  
гилдираклар емирилишининг  
кўпчилиги бунга асосий сабаб-  
дир. Янги бекатлар қурилган,  
бу муаммолар ўз ечимини то-

пади, ҳаттоки ёнилги сарфи  
ҳам анча камаяди. Чунки авто-  
буслар йўлда 32 маротaba  
эмас, balki 17 марта тўхтайд-  
ди ва тўхташлар сони камайи-  
ши тufайли ҳозир сарфлана-  
ётган ёнилгини 20 фоиз те-  
жашга эришилади. Ҳозир 100  
км. масофани босиб ўтиш учун  
25 литр ёнилги сарфланаёт-  
ган бўлса, кейинчалик бу  
кўрсаткич 20 литрга пасаяди.  
Ҳар бир A дан B га  
кунига 8 марта бориб, қайта-  
ди. Бу эса  $S=8 \cdot 15,4=123,2$  км.  
масофа дегани. Демак, ҳар  
бир автобус кунига 1,25=6  
литр ёнилги тежайди. Бир  
ойда эса тежамкорлик 180 лит-  
рни ташкил қиладди. Замон та-  
лабларига мос янги йўловчи  
бекатларининг бунёд этилиши  
фақат иқтисодий фойда кел-  
тирибгина қолмай, жамият-  
миз ҳаётининг маданий жиҳат-  
дан ҳам янада юксалишига хиз-  
мат қиладди.

Элмурод ИСМОИЛОВ,  
Термиз давлат  
университети  
физика-математика  
факультети талабаси



# СОҒЛОМ ФАРЗАНД – МУСТАҲКИМ ОИЛА АСОСИ

Оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлод яратилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг ўқув дастурларига 1—4-синфларда «Саломатлик дарслари», 5—9-синфларда «Соғлом авлод асослари» ҳамда «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзуси бўйича махсус факультатив курсининг 16 соатлик ўқув дарслари киритилиб, тиббиёт ходимлари ва кимё-биология фани ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда. Бу жараёнда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари тингловчиларига репродуктив саломатлик ва тиббий маданият асослари курсларини ўқитиш бўйича 4 соатлик ўқув ташкил этилган. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ёшларда тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида «Соғлом она — соғлом бола», «Спорт — соғлом турмуш тарзи гарови» рухлари остида қўланмалар тайёрланиб, уларнинг 60 минг нусхаси республикамизнинг барча таълим муассасаларига етказилганлиги таълим ва тиббий маданиятнинг узвий равишда амалга оширилаётганлигидан dalolat беради.

Жамиятда репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун даставвал аёлларимиз, айниқса, балоғат ёшидаги қизлар билан тиббий билим ва кўникмага эга бўлишлари лозим. Албатта, бу вазифа фақат таълим муассасасининг иши бўлмай, балки маҳалла, оила, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлигида ташкил қилингандагина қўлланган натижани беради. Шу сабабли бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ёш авлод келажаги ва фаровонлигининг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёш авлод мустақил ҳаёт босқисига ўз масъулиятини, бурчини чуқур англашга, оила-тарбиянинг мустаҳкам, фарзандларимиз соғлом бўлади. Лекин айрим ота-оналар орасида қизларнинг ўқишдан кўра, уларнинг оилага кўпроқ ёрдами тегишидан ва тезроқ «койи чикса», узатиб, «кутулиши» истайдиганлари ҳам учрайди. Афсуски, улар бу ҳаракатлари оқибатида ўз фарзандларини мустақил ҳаётга тайёр эмаслиги сабабли оиласи бўзилиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Ёш ўмир қизлар эрта турмушга чиқиш натижасида таълимни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлиб, етарлича дунёқараш ва тафаккури шаклланиб улгурмаётми. Уларнинг мустақил ҳаётга, оила қуришга тайёр эмаслиги ўз оилаларида турли келишмовчиликлар, низоларга дуч келиши ва бирон-бир касб-хўнарга эга бўлмаганлиги боис, ҳаётлари давомида қийинчиликларга бардош бера олмаб, нотўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ошиб бормоқда.

Организми фарзанд қуришга жисмонан тайёр бўлмаган қизларнинг фарзанд ҳам соғлом туғилмайдми. Онанинг ўзи ҳали фарзанд тарбиялаш учун тайёр эмаслиги боланинг келажаги ва оиланинг долзарб вазифаси бўлиб, барчамизга масъулият юклайди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш лозимки, мамлакатимизда мустаҳкам, ҳар жиҳатдан кучли, соғлом оилани шакллантириш ва оилада эса юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни, энг аввало қизларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, маънавий ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаш, вояга етказиш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, барчамизга масъулият юклайди.

**Н.ОЧИЛОВА,**  
Халқ таълими вазирлиги «Маънавий-ахлоқий тарбия» бошқармаси етакчи назоратчиси

Бола бўш қолди. Унинг ўй-фикрини нима банд қилади? Айниқса, ўсмир ёшидаги боланинг қизиқишлари бисёр бўлиб, хали оку қорани тўла ажратиб олишга улгурмаган бу ниҳолларни чалгитувчи воситалар оз эмас. Ҳар бир ёшда аниқ ва мақсадли, ўз келажи ҳамда жамият тараққиёти учун муҳим бўлган қарашларнинг шаклланишида эса ўз вақтида кўрсатилган эътибор муҳимдир. Шундагина у муносиб ҳаёт йўлини, касб-корни танлашда иккиланиб қолмайди.

Бугун ёшларимиз орасида мактаб даврда ноқош билим ва кўникмаларини чарқоқлаб, ўз олдига аниқ мақсад қўяётган, турли муваффақият чўққилларини забт этаётган, дарсдан кейинги вақтларида ҳам мактабдан ташқари муассасаларда қўшимча ҳунар ёки таълим олиб, ўзининг интеллектуал салоҳиятини ошираётганлар оз эмас.

Яқинда юртимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбияси — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзусидаги нуфузли халқаро конференция катнашчилари томонидан юртимиздаги таълимий-маънавий ислохотлар, мамлакатимиз ёшларидаги юксак иқтидор ва салоҳиятга юқори баҳо берилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

— Бугун Фарб давлатлари қанчалик таълим инновациялари бўйича илгариллаб кетган бўлмасин, ёшлар тарбиясида, ўсмирлик давридаги жинсий ва руҳий ному-таносибликлар борасида жиддий тўсиқларга учрамоқда. Кекса ва ёш авлод вакиллари ўртасида кескин қарама-қаршилик, ўзаро бир-бирини тушунмаслик ҳолатлари бир қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётди. Бу каби масалаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган самарали ва сигналган тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, — дейди Халқаро конференциядан чиқарган хулосалари асосида Британия Кенгашининг Европа бўйича минтақавий директори Майкл Бёрд. Шу ўринда ўқувчи бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёш авлоднинг адабиёт, санъат, касб-хўнарга йўналиштириш, хулқида салбий ўзгариши бор ўқувчилар тарбиясини яхши томонга ўзгартириш борасидаги ҳамкорликлар ушбу ижобий натижаларда бош омил бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» Қонуни ва унинг асосида Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда айни масала юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси мутахассиси Равшан Эргашев бу хусусда қуйидаги маълумотларни айтиб ўтди:**  
— Юқоридаги қонун асосида ўқувчи-ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини тизимли ташкил этишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий-методий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. «Умумтаълим муассасаларида машғулотларга сабабсиз келмаётган ёш мунтазам равишда катнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисоб-китоб юритиш ва таълимга жалб қилиш бўйича йўриқнома» ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Таълим-тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда тарғибот-ташвиқот ишларини аҳамияти муҳим. 2011 йил мисолида айтгандай бўлсак, республика бўйича ҳуқуқбузарликка мойиллиги

бўлган 5850 нафар ўқувчилар аниқлиниб, таълим муассасаларининг ички назоратига олинди ва уларга тарбиячи педагоглар бириктирилди. Ички ишлар идораларининг профилактика назоратида турган 2405 нафар ва мактабларнинг ички назорати олинган вояга етмаганлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мутахассислар ишларида 200дан ортқ яқна тартибда профилактик суҳ-

ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 55-умумтаълим мактабининг ўқувчиси бўлган Ахорн (исми ўзгартирилган) бошлангич синфларида яхши баҳоларга ўқиган. Юқори синфларга

# НИҲОЛЛАР ЭҒИЛИБ ҚОЛМАСИН...

## ёхуд эгилган ниҳолни ўз сўзқанда тўғрилаш йўллари бор

батлар олиб борилди. Бойси, озми-кўпми тарбияси ёки руҳий ҳолатида муаммолари бор болалар билан ўз вақтида мактаб психолога, сумкаси ўзи учун ортиқчалик қиларди. Ахорн сумкани у-бу жойга тиқштириб, мактабга элтидиган йўлни бошқа томонга дарҳол бурарди. Боланинг айтишича, уни дастлаб фақат кўчадаги ўйинлар қизиқтирган. Кейинчалик ўзи ўшаган болалар билан сигарета чекиш, яқин-атрофдаги компьютеризацияга бориб жангарий ўйинлар ўйнаш, ваҳшиликни тарғиб қилувчи фильмлар томоша қилишга одатланган.

— Бора-бора мактабга умуман бормайдиган бўлдим, — дейди Ахорн. — Эрталаб уйдан чиқардим, бугун нима қилсам экан, деб ўйлаб ҳам ўтирмадим. Бошим оққан томонга кетаявердим. Уғил болаларни бир-бири билан уриштириб завқланардим. Мендаги битта муаммо — отам йўқлигидан азият чекардим. Онам кун бўйи ишда бўларди. Мен билан ҳеч кимнинг иш йўқ эди...

Кейин яхши томонга ўзгарганимдан сўнг дурадгорликни ўргандим, мусиқий таълим олдим. Кураш бўйича фахрий ёрликлар олиб келганимда, коллежда ўқиб, амалиётга бормганимда, санаот корхонасида ишлаб биринчи ойлик маошимни онамга олиб келиб берганимдан, хурсандчилигини кўрсангиз эди! Энди эса, ишлаб оламга ёрдам берайман...

Бу — бундан икки йил олдим мактабга сабабсиз келмай, сурункали дарс қолдиргани, таълимдан бўйин товлагани, доимий равишда ўзобосимчилик билан уйдан чиқиб кетиб қўчаларда мақсадсиз дайдиб юргани

учун Оҳангарон туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси қарорига асосан профилактик ҳисобга олиниб, ҳозир бу рўйхатдан чиқарилган боланинг иқроори эди.

### Яхши томонга ўзгаришга имкон бор

**Гулнора Уринбоева, Ахорннинг онаси:**  
— Оилада ўғил бола учун ота тарбияси керак экан. Елғизлигим учун ҳам унга ҳар томонлама таъсир ўтказма олмадим, деб ўйлайман. Яхшики, синф раҳбарининг, маҳалла миздаги ўқувчининг оғоҳл. йириш. и сабаб ўғлимнинг бебос юришларидан хабар топдим. Уйда айтганимни кўпда бажармаслиги, кўрслиги, ўзбосимчилик қилишини билардим, лекин унинг бу даражада «кўча боласи»га айланганини ўйламагандим. Бахтимага мактаб жамоаси, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича мутахассислар вақтида фарзандимни тўғри

зарлик содир этишга мойил бўлган мактаб ёшидаги вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда улар билан яқна тартибда иш олиб борамиз. Худудий профилактика инспектори, катта лейтенант А.Альназаровага бириктирилган ҳудудда яшовчи Ахорни ҳам вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси қарорига асосан профилактик ҳисобга олган эдик. Шу кундан бошлаб Ахорннинг хулқи ижобий тарафга ўзгариши учун мунтазам суҳбатлар олиб бордик. Жамоатчи мураббий ҳамкорлигида фан ва спорт тўғрисида қатнашини ташкиллаштирдик. Ушбу ўқувчининг алоқа доирасини ўрганишимизда, фарзандларига салбий таъсир кўрсатувчи ёки уларни тарбиялаш бўйича бурчларини бажармайдиган, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари оқибатида ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг оиладан кетиб қолишларига сабабчи бўлган ота-оналарни аниқлади. Ўсмирлик даврида бола психологиясида

### ...Сўнгра ойларни сарфламанг...

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз томонидан 2010 йил 17 майда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 188-2 модда билан тўлдирилди. У «Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиб (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўймаслик» деб номланди. Ушбу ҳужжат ижроси бўйича Оҳангарон туман ИИБ Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик гуруҳи катта инспектори, майор Шаҳноза Содикова қуйидаги маълумотларни берди:

— Туманимизда вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлигининг олдини олиш борасида доимий ра-


эътибор қаратилади. Вояга етмаган ота-она қарамогисиз қолган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш ишига Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи кўмаклашади. Бу ҳақда батафсилроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Сирдарё вилояти Янгийер шаҳар ХТМФМТ ТЭБ қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи назоратчиси Гулчира Раҳмоновага мурожаат қилдик.

— Бўлим қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи қаровсиз болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ҳамда ҳимоя қилишда кўмаклашади. Болага ёки унинг қонуний вақилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдамларни кўрсатади. Ҳар бир васийлик ва ҳомийликка берилган, фарзандликка олинган болаларнинг уй шароитлари ўрганиб борилди, уларнинг яшаши, соғлиги, қай даражада таълим-тарбия олаётганлиги мунтазам ўрганилади. Боиси, бола ривожланиши муҳим жараён ҳисобланади, у вояга етмиш барбараида жисмоний ва руҳий томондан ўзгариб боради. Ўсмир шаклланишида унга бўлган ҳар қандай муносабат изсиз кетмайди. Уларга алоҳида эътибор берилгандагина шахс сифатидаги маънавий қиёфаси, ижтимоий хулқи, инсоний фазилатлари ижобий ривожланади. Шуларни ҳисобга олиб васийлик ва ҳомийлик органи назоратчилари «Болага дўстона муносабат» мавзусида тадбирлар ўтказганида, тарбиясида қусури бор, уйда носоғлом муҳит мавжуд бўлган оила фарзандлари, ота-она ва болалар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятчи муаммоларнинг ечимини топишга ургун берилди.

Дарҳақиқат, ҳеч ким тарбияси ёки жиноятичи бўлиб туғилмайдми. Умримиз давомчилари илму маърифат йўлини туттиши учун тарбия масканларига етаклайми. Ўсмирнинг бамисоли ниҳоллигини, унинг тарбиясида хатоликка йўл қўйилди, уни тузатиш маънавиятига кўп гапирармиз. Лекин ана шу ҳолатга тушиб қолиб, ундан чиқиб кетиш йўллари қидираётган ёки шундай аҳвол бошига тушмаслиги учун елиб-лашуви ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмирларга бундай махсуслотларни топишни таққиллаш юзасидан қарор қабул қилинди. Бу ҳам ёшлар тарбияси учун зарур ҳаракатлар мажмуи бўлди, дейиш мумкин.

### Оппа — ибрат маскани

Оила — ибрат маскани, унинг бағрида вояга етмаётган бола маънан ва ахлоқдан баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратишга тўлиқ асослар бор. Бироқ ота-она қарамогисиз қолган болалар ҳам тўлақонли қомил бўлиб вояга етиши учун давлатимиз томонидан уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида



# ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАЙСИ ФАННИ ЁҚТИРАДИ?

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, камоли йўлида тинмай изланади, меҳнат қилади. Улар улғайгани сари ҳар бир ота-онада у билан боғлиқ ниятлар қўлайиб боради, болам бошқалардан кам бўлмасин, дея едириб-ичириб, ўқитиб уйлройи қилишга интилади. Аммо баъзан фарзанд тарбиясида йўл қўйилган айрим камчиликлар сабаб ўн гулдандан бир гули очилмай жиноят оламига кириб қолган ёшларга ҳам дуч келасиз. Ота-она «Ўғлим бирова озор берадими бола эмасди...», «Нера у носоғлом муҳит мавжуд бўлган оила фарзандлари, ота-она ва болалар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятчи муаммоларнинг ечимини топишга ургун берилди.

Дарҳақиқат, ҳеч ким тарбияси ёки жиноятичи бўлиб туғилмайдми. Умримиз давомчилари илму маърифат йўлини туттиши учун тарбия масканларига етаклайми. Ўсмирнинг бамисоли ниҳоллигини, унинг тарбиясида хатоликка йўл қўйилди, уни тузатиш маънавиятига кўп гапирармиз. Лекин ана шу ҳолатга тушиб қолиб, ундан чиқиб кетиш йўллари қидираётган ёки шундай аҳвол бошига тушмаслиги учун елиб-лашуви ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмирларга бундай махсуслотларни топишни таққиллаш юзасидан қарор қабул қилинди. Бу ҳам ёшлар тарбияси учун зарур ҳаракатлар мажмуи бўлди, дейиш мумкин.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, ички ишлар бўлимлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ташкил топган рейд гуруҳи томонидан Қўқон ёзорида ҳафта-сана икки марта текширув ўтказилмоқда. Агар уларнинг бесабаб дарс қолдириш ҳолатлари кузатилса, дарҳол ота-онасига маълум қилиниб, муаммога ечим изланади. Ҳуқуқчилар хатоликка йўл қўйса, мухомаа қилиб, ёрдамлаштириш чорасини кўрамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қароридан ўсмир-ёшларнинг жиноят қўчасига кириб кетмаслиги бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу қарор ижросини амалий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мактабимиз ўқувчиларининг уй шароитларини ўрганишга маҳалла фаолларидан тузилган махсус ишчи гуруҳи ўқувчилар уйига ташриф бу-қалардан кам бўлмасин, дея едириб-ичириб, ўқитиб уйлройи қилишга интилади. Аммо болаларни бу жиноятга олиб келган сабабларни муҳомаа қила туриб, айнан она-ота, мактаб ва маҳалла-қўйнинг бефарқлигини таъкидламай иложимиз йўқ.

Мақтабимизда яхши бир одат бор. Эрта тонгда дарвоза олдида ҳар бир ўқувчининг кириб келишини навабат билан кузатамиз. Аксарият қисми тоза-озода мактаб формасида келади. Аммо «Гуруч қурмаксиз бўлмайди», деганларидек, мактаб формаси ўрнига ялтир-юлтир кийиниб келадиганлар ҳам кўриниб қолса, синф раҳбарига маълум қиламиз.

**Мансур ҚОМИЛОВ,**  
Қўқон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари



# ҚИММАТЛИ МАНБА

Алишер Навоий номи билан боғлиқ ҳар қандай хайрли иш бевосита миллатимиз маданиятига дахлдордир. Ўтган беш асрдан зиёд вақт мобайнида улуг мутафаккир алабий-илмий мероси ҳар ҳарфию зеру забарига қайта-қайта таҳлил ва тадқиқ тарозисига тортилди. Шундай эса-да, гавхартошларга тўла бу уммоннинг туби ҳали-ҳануз сир бўлиб қолаётди. Демак, башарият, айниқса, аҳли илму ижод Навоийни ўрганишда давом этаверадими, мангуликка бўйлайверади.

Мана, ана шундай эзгу ишлардан яна бирининг натижаси — Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарининг илмий-танқидий матни наشري. Мазкур ўзига хос асарни 2011 йили ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва «Movagounnah» наشريети биргаликда chop etdi. Уни матншунос, манбашунос Ҳамидхон Исломиёв нашрга тайёрлаб, сўзбоши ёзди, кўрсаткичлар илова қилди. Китоб аннотациясида таъкидланганидек, ҳар қандай ноёб асар мазмунини ўқувчиларга тўғри ва тўлиқ етказишда унинг қўлёзма нусхалари илмий-танқидий

матнни тайёрлаш ўта мураккаб, масъулиятли иш ҳисобланади. Авлиёлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Насойимул муҳаббат»нинг муътабар қўлёзмалари асосидаги ушбу илмий-танқидий тадқиқот матншунос олимнинг кўпйиллик жиддий меҳнати самараси ўлароқ юзага келди.


Китоб Навоий асарлари ёзувида — араб имлосида нашр этилган. Матнга асос қилиб Навоийнинг ҳижрий 901, милодий 1495/1496 йили Ҳиротда китобат этилган «Куллиёт»и таянч қўлёзма сифатида олинган.

Сўзбошида матншунос «Насойимул муҳаббат» тасаввуф тўғрисидаги кенг қўламли асар сифатида олимлар эътиборини ўзига жалб этиб келатганини ёзар экан, руҳият оламига боғлиқ сиррул асрор таълимотига молик бу асар инсоният маънавий оламида алоҳида ўринга эга эканини қайд этади; имкон даражасида, Навоий даври ва ундан аввалги тасаввуф адабиёти тўғрисида маълумотлар беради.

Мумтоз асар қўлёзмаларини ўрганишнинг масъулияти шундаки, илмий-танқидий матнда унинг зами-

ридаги ҳақиқатга футур етмаслиги керак. Ҳамидхон Исломиёв турли даврда турли билим савиясига эга бўлган котиблар ёки ҳуснихатли хаттотлар кўчирган қўлёзмалар баъзи хато ва камчиликлардан холи бўлмаслигини инкор этмагани ҳолда, Навоий асарлари, хусусан, «Насойимул муҳаббат» бир неча қатла нашр этилганига қарамай, нашрларда кўпдан-кўп хатоликларга йўл қўйилганини тўғри таъкидлайди.

Манбашунос «Насойимул муҳаббат»ни Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асари таржимаси деган қарашларга ҳам ўз муносабатини билдиради. Унинг фикрича, «Нафоҳат ул-унс» форс тилида ёзилгани, ундаги арабча яширин ибораларнинг нозик маънолари туркий китобхонларга кенгроқ маълум эмаслиги ҳамда бир қанча маълум-машҳур шамойиллар бу асарга кирмай қолгани сабабли ундан Навоийнинг кўнгли тўлмайди ва Жомий асари ёзилганидан йигирма йил ўтиб «Насойимул муҳаббат»ни ёзади. Энг муҳими, манбашунос «Насойимул муҳаббат» билан «Нафоҳат ул-унс»ни қиёсан ўрганиб,



икки асарнинг фарқли асосий жиҳатларини кўрсатиб ўтади. Беназир даҳонинг «Насойимул муҳаббат»и алоҳида мустақил асар сифатида майдонга келганини илмий далиллар асосида исботлашга уринади.

Ушбу илмий-танқидий матнни навоийшуносликка, умуман, маънавий ҳазинамизга яна бир қимматли манба бўлиб қўшилди, дейиш мумкин.

**Б. ФАЗЛИДИНОВ,**  
тадқиқотчи

## Alisher Navoiy — o'zbek timsoli

# «ЮЗ»НИНГ НЕЧТА ЮЗИ БОР?

Ўзбек тили — дунёдаги энг бой тиллардан бири. Алишер Навоий она тилимиз бойлигининг муҳим хусусиятларидан бирини бир сўз шаклининг кўплаб маъноларга моликлигида деб изоҳлагани маълум. Ўзбек тилининг жинсдош сўзларга — тажнисларга гоёта бойлигини бадиий ижодда, аввало, Мавлоно Лутфий, сўнгра илмий ва амалий жиҳатдан даҳо шоиримиз Навоий кўрсатдилар.

Биз, Алишер Навоийнинг бугунги ворислари, хусусан, филолог талаба ва ўқитувчилар улуг шоиримиз каби тилимизни севишимиз, ҳар бир сўзининг жинсдош шакл ва маъноларига эътибор бермоғимиз жоиз.

Мен педагогика коллежиди адабиётдан ўқувчиларга сабоқ бераман. Огаҳий ижодида бағишланган дарсда шоирнинг машҳур «Илоҳи ҳар кунинг Наврўз бўлсун» мисраси билан бошланган газалидаги:

**Аду ваҳшиларини сайд этарга,  
Ўку тийгинг уқобу ўз бўлсун, —**

байти ўрганилаётганда, қуйидаги изоҳталаб сўзлар ва уларнинг лугатларини доскага ёздим: аду — душман, ёв; ваҳший — табиатдаги эркин куш ва ҳайвонлар; сайд этмоқ — ов қилмоқ; уқоб — бургут. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» дostonида атайлаб «уқоб» сўзининг изоҳини бериши лозим топган:

**Кирди бургут ўртага, яъни уқоб,  
Деди: Эй, кушлар аро моликриқоб!**

Куш овлашда лочиндан, йирик ҳайвонлар овиди жуссаси катта бургутдан фойдаланишган. Матн мазмунига кўра, «юз» ҳам лочин, бургут сингари ов жараёнида қатнашадиган қандайдир ҳайвон бўлиши керак. Бироқ унга қандай изоҳ берсак бўлади? Шу пайтгача бу сўзни учратмаган эканман. Байт мазмунидан келиб чиқсак, подшоҳнинг ўқ ва тийги (қилич, ханжар) овда қатнашмоқда. Шунга кўра, ўқ уқоб(бургут)га ўхшатишган. Тиг(қилич ёки ханжар)-чи? Бу — юзга ўхшатишган. «Юз»ни аниқлаш мақсадида мумтоз адабиёт манбаларига бағишланган маъжуд лугатларни варақладим. Тилшунос олим Бердақ Юсуповнинг таълимноб «Мумтоз адабий асарлар лугати» китобидан «юз»нинг маъносини қидирдим. Унда «юз»нинг чехра ва уруғ номи

маънолари бор экан. Тўрт жилдик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» китобиди ҳам бу сўзнинг айна мен излаган маъноси берилмаган экан.

Ниҳоят, қўлимга «Мумтоз сўз» наشريётида босилган — Ваҳоб Раҳмонов тузган «Мумтоз адабиёт манбалари лугати» тушиб қолди. Бунда «юз» сўзининг саккиз изоҳини кўриб қувониб кетдим. Чунки бу ерда «юз»нинг матнга тегишли мен излаган маъноси берилган эди. Фақат сўзнинг бизга маъхум бўлган маъноси эмас, балки айна ўша байт ҳам бу китобдан жой олган эди. Ихчам ахборот учун иқтибос сифатида, ҳажман катталиқ қилса-да, булар амалиётчи ўқитувчилар, адабиёт шинавандалари, заковатли ёшларга асқотар, деган андишада бу лугатдаги «юз» сўзига доир маълумотларга муфассал муурожаат этилди.

Шуниси борки, ушбу лугатда «юз»нинг саккизта маъноси аввал берилган-да, кейин ҳар бир маъно акс этган байтлар алоҳида келтирилган. Натижада китобхон қайси мисол, қайси маънога тегишли эканлигини бир қарашда биллолмайди. Шу сабабли сўзнинг ҳар бир маъносини ва уни изоҳловчи мисолни ёнма-ён келтирмайсиз:

**Юз — 1. Чора, тадбир, илоҳ.**

*Ки чу иш тулса бошимга ёлғиз.  
Ўзга янглиғ топай салоҳига юз.*

**(«Сабъан сайёр»)**

**2. Ўзбек уруғларидан бирининг номи.**

*Бирни қилчоқу хитою, бирни юз,  
найман деманг,  
Қирку юз минг сон бўлуб бир  
хон ойинлик қилинг.*

**(Турди)**

**3. Санок сон: 100.**

*Жамолу жоҳ элидин юз фароғатим бордур,  
Ўрамунг ити манга ошно керак бўлса.*

**(Лутфий)**

**4. Чехра, бет, афт.**

*Бошингга тулса меҳнат шони жовид,  
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуришд.*

**(«Фарход ва Ширин»)**

**5. Баҳоқир, паҳлавон.**

*Йўқ хунари ёлғуз эса юз киши,  
Қайда киши сониди ёлғуз киши?!*

**(«Хайрат ул-аброр»)**

**6. Томон.**

**7. Ваҳ, сабаб, боис.**

*Фаразким бу сўз фаҳмини қилмадим,  
Нек юздин они ўлгонин билмадим.*

**(Хиромий)**

**8. Сиртлон — ҳайвон.**

*Адув ваҳшиларини сайд этарга,  
Ўку тийгинг уқобу ўз бўлсун.*

**(Огаҳий)**

Китобда сўзнинг олтинчи маъносига мисол берилмаган. Шунинг учун «Бобурнома»дан «юз» сўзининг «томон, тараф» маъносига қуйидаги мисолни топдик: «Ул юздаги черик эли кема била ва сол била ва от юздуруб ўтадур эдилар» («Бобурнома», «Шарқ», Т., 2002, 70-бет).

Хуллас, бизни қизиқтирган «Юз» нима? деган саволга ушбу лугатдан муайян маънода жавоб топа олдик: **юз — сиртлон** экан. Демак, шоир ўку қиличинг душманга бургут ва сиртлондек зарба берсин, демоқчи. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Тоҳир тилининг изоҳли лугати» («Фарҳанги забони тоҳики». М., 969)га ҳам муурожаат қилдик. Унда «юз» сўзи янада аниқроқ шарҳланган экан:

**Юз — 1. Ов ити. 2. Йўлбарсдан кичикроқ, овда фойдаланиладиган йиртқич ҳайвон.**

«Юз»нинг тўққизинчи маъноси ҳам бор. Ўзбек мумтоз адабиёти асарларида «юз» сўзи буйроқ феъли сифатида келса: «сузгин»(сувда) деган маънони билдиради.

Биз ушбу кузатишларимизда «юз» сўзининг мумтоз адабиёт намуналаридаги барча маънолари қамраб олинди, демоқчи эмасмиз. Ҳали олимларимиз биз эшитмаган ва кутмаган янги-янги маъноларини кашф этишлари аниқ. Қайд этмоқчи бўлган мақсадимиз шуки, мумтоз матн устида ишлаганда бирор маъноси маъхум сўз мисрада изоҳсиз қолмасин. Чунки шарҳланмаган, лугати ёритилмаган ҳар қандай сўз талаба илмидаги бўшлиқ бўлиб қолади.

**Мамлакат ЛАТИПОВА,**  
Янгиер педагогика коллежи ўқитувчиси

Кунлар югуради, йиллар ўтади. Даврлар ортидан келар янгиси. Балки либосимиз андак ўзгарар. Сочни турмаклармиз эрта бошқача. Қадамимиз етар хув олисдаги — тушларга кирмаган Ватанларга ҳам. Кимлар эшигимиз чертиб келади, ахир заминимиз тан олди жаҳон! Улар чуғурлашар ўз тилларида, ҳар бири ўз куйин чалиб толмайди. Нағмасига жүр этмоқни истар, балки бизнинг содда кўнгилларни ҳам. Турмушин фароғат, лаззатларига, ошно этмоқликдан топар осойиш. Лекин минг қилса ҳам бир ҳақиқат бор — ўзбекча керакмас бундай фармойиш! Унинг ҳош томири шу юртнинг қадим куйу алласидан нур эмиб турар. Унинг болалари момоларининг эртагу, ўғитин тинглаб улғаяр. Азал бир ҳикматга бош эгар ҳар жон — Жаннат оналарнинг пойида эрур. Шундан бу гўшанинг хиёбонлари тўрида аёлнинг сиймоси турур. Мушфиқ она ҳайкали асли — эзгуликнинг рамзи, гултожи эрур. Она олтин ҳалқа мисоли — ўзбекистон аслини, наслини асарар. Ўзбекча яшашнинг илми, сабоги унинг оддийгина тутумларида. Англаб, уқий билсанг руҳинг покланар. Мунаваар ўйларга ошно бўласан. "Юртин сев, — дейди у. — Миллатни алқа. Аждодларнинг руҳи бўлсин доим шод. Кўкрагингни кериб яшамоқ учун — илму хунар сирин ўрган ҳижжалаб. Фуруру оригинни баянд тут доим. Ганим аламингдан бўлмасин огоҳ. Меҳр бер, муҳаббат қайтар ўзингга. Шу ҳисга зор этма узоқ, яқининг. Забардаст эл бўлиб қолмоқлик учун болангга ўзбекча яшани ўргат! Унутма, ташлаган ҳар бир одининг, авлодларга абад бўлгуси ибрат!..".

қилиб, фарёд чекиши лавҳалари бўлса керак! Унинг нолаларига еру осмон дош беролмай, чақин чақиб, момақалдиқроқлар гўмбурлай бошлайди. Кумри чевар мадори қуригунча жигарпорасига умр сўраб, бутун вужуди ўртанганча қон-қон йиғлайверади, ёлвораверади ва охири йиқилади. Турсунбой эса ҳаётга қайтади. Бу она қалбининг қудрати намойиши эмасмикан?!

Биз ана шундай ҳолат баёнини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётида рўй бер-

хизмат қилди, десам муболаға бўлмас...

Дарҳақиқат, Кумри чевар ролини ижро этиш бошқа актёрларга ҳам тақлиф этилган келар бўлди. Аммо ҳамкасблари бу образни фақат ва фақат Дилбар Икромова талқинида тасаввур эта олишарди. Актрисадаги соддадиллик, таъсирчанлик, ташвишу гамларни бирда кулиб, бирда йиғлаб энгишдек ички бир матонат қайсиدير маънода Кумри чеварнинг феълу атвориға жуда-жуда ўхшаб кетарди. Шу боис ҳам ролининг айнан "эгаси"га топширилиши асарнинг мазмун-моҳияти тўлақонли тарзда томошабинга етиб боришига имкон яратди.

...Кумри чевар оёққа турди. Аммо "Болам омон қолармикан?" деган қайғули хавотир бир кечада унинг сочларини оппоқ қордек оқартирган, вужуди толиққандан толиқиб борарди. У умри ниҳоялаб қолганини сезгани боис ҳам келинини ёнига қақриб рози-розилик сўрайди. Ҳали олдинда уни катта синовлар кутатганини уқтириб, кучли бўлиши, шажараларини ажодларига муносиб тарзда давом эттиришни тайинлаб, хунарини, рўзгорининг аъналарини унга топширади. "Тановар" янграйди. Кумри чевар дилларни чунонам эритувчи нозик ҳаракатлар билан рақсга тушадики, бу инсоннинг, аёлнинг жамики гам-андуҳларини энгиб ўтишга қодирлиги, голиб ва масрур яшаш бахтини ўз меҳнати, ўзқолиги билан яратиб, ўчмас излар қолдиришига ишора, назаримда. Рақснинг давомини эса Марям, кези келиб, яна унинг келини давом эттиради. Шу йўсин "Тановар" янграйверади. Ўзбекча яшамоқ сабоги давом этаверади...

# "ЎЗБЕКЧА РАҚС" — ЎЗБЕКЧА ЯШАМОҚ САБОГИ

Teatr — ibratxona

Саҳна очилади. Юракларни ориқтирувчи кўҳна наволар таралади. Мўъжазгина қишлоқ хонадони. Кумри чевар сўридаги кўрпачаларни қайта силкиб тўшайди. Яқиндагина тикиб тутатган дўпписини меҳр билан қўлига олади. У — она. Хизматга кетган ўғлини интизор кутмоқда. Дилбанди эсон-омон ёруз юз билан қайтиб келса, тўйлар қилиш орзусида. Унинг неваралари маҳалла кўчаларини тўлдириб юришларини хаёл қилади. Ҳаммасини хунарманд, ўқимишли қилса, армони қолмайди унинг. Қишлоқнинг энг сулув қизи эшитгидан эгилиб-букилиб кириб келади тушларида... Лекин ҳаётда ҳамма нарса биз истганимиздек бўлавермагани сингари Кумри чеварнинг ўғли кутилмаганда олис юртлардан ўзи билан у ҳатто тилини ҳам тушунмайдиган бир гўзални эшигидан етаклаб келади...

Мен севиб такрор-такрор Ўзбек миллий академик драма театрида томоша қилганим — драматург Нурулло Аббосхон асарини асосида Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов томонидан саҳналаштирилган ва бош қаҳрамон — Кумри чевар роли Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова томонидан маҳорат билан ижро этилган "Ўзбекча рақс" трагикомедияси ана шундай лавҳалар билан бошланади. Бир қараганда, спектаклдаги воқеалар ривожига соддагина турмуш тарзи, яъни қайнона-келини муносабатлари тизимини акс эттиришга қаратилгандек. Лекин асарда Кумри чеварнинг хатини ҳаракатлари, қарашлари орқали томошабинга етказишга ҳаракат қилинган "гап"лар жуда кўп. Чевар тилаб-тилаб олгани — Турсунбойга сочлари тақимини ўпадиган қизни раво кўрарди. Аммо ўғлининг севги дардига мубтало бўлгани уни бефарқ қолдирмади, кўнгилни мумдайд эритди. Шу боис ҳам орзу-хавасларидан кечса-да, "ортига чекинди". Бирок келинини "ўз измига солиш" йўлини излай бошлади. Ана шу ҳолатлар ифодаланиши баробарида миллий қарашларимиздаги бир қатор



қийссиз қадриятлар акс этирилади боради. Аввало, кўнгилнинг азиз тугилиши, соф муҳаббатнинг ардоқланиши, айни пайтда оиланинг муқаддаслиги, унинг шаъни ҳар недан устун туриши, ўзбекона урф-одатлар, аъналарнинг бардавомлигини сақлаш, илмнинг ҳосияти, хунарнинг шарофати улуғланади. Она келинини жилмайибгина қарши олади ва ана шу меҳр билан нафақат келини, балки набираларига ҳам меҳнатсеварлик, тежамкорлик билан рўзгор тутуши, қўнт билан билим олиш ва касб-хор эгаллаш, одоб-ахлоқ соҳиби бўлиб, эларо иззат-ҳурмат топиш, оилани вафо-садоқат билан маҳкам тутуш сабогини бера боради. Оддийгина мисол: у набираларининг эшикдан салом бермай киришларига мутлақо изн бермайди. Кўндалик харажатлари учун ҳисоб-китоб билан пул бериб, сарфларини назорат қилади.

Кумри чевар қишлоғидан нарини кўрмаган ўзбек аёли. Лекин ҳаёт синовларидан ҳеч қачон тушкунликка, таҳликага



тушмайди. Аксинча, ақлу идтирок, ғайрат-шижоат билан қийинчиликларни энгишга, зийрак ва сергак туриб муаммоларни бартафак этишга ўзида куч, сабот топа олади. У ана шундай соддадил, камтарин ва ҳокисор оналарнинг бир вакили сифатида келинига сабр-тоқат билан ўзбек тилини, ўзбекона мулозамат ва муносабатларни ўргатмоққа эришади. Воқеалар давомидаги кулгили ва фожеали ҳолатлар асарнинг мазмунини янада ёрқинроқ очиб беришга, томошабинни узоқкин ўтмишимиздаги кечмишлардан воқиф қилишга хизмат қилади. Масалан, пахта яккаҳокимлиги сиёсати, буйруқбозликка таянган бошқарув, далаларни дефоляция қилиш натижасида Турсунбойнинг захарланиб, оғир дардга мубтало бўлиши лавҳалари муस्ताбид тузум муносабатларини ёдга солса, ҳисобчининг Марям (келини)га нопок назар билан қараш саҳнасининг киритилиши орқали маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик танқид остига олинади.

Кумри чевар отасидан эрта жудо бўлиб етимлик азиятларини чеккан, умр йўлдоши вафотидан сўнг турмуш юкини муштдеккина жони билан елкалаб келатган муштипар жон. У не-не азобларга дуч келса-да, нолимади, бировларга юкинмади. Аммо фарзандининг ўлими билан олишиб ётгани юрагини тилкапора қилиб, ларзага солади.

Спектаклнинг энг ҳаяжонли, ҳар қандай дилни ўртантирувчи нуқтаси ҳам шу — онанинг Яратганга илтижо

ган воқелик — ўғли Хумоюн оғир хасталикка учраганида меҳрибон ота сифатида унинг дардини ўзига олмоқни сўраб Тангрига ўтингани ва бу ўтинч ижобат бўлгани хусусида ўқиганмиз. Хулоса чиқармоқ мумкинки, «Ўзбекча рақс» ўзига хос тарихий қийматга ҳам эга.

— Кўнглим ҳамиша "Сен учун шундай бир образ яратиладики, у сенинг ролинг бўлиб қолади..." дер эди, — дейди Дилбар опа. — Кумри чевар образини ижро этарканман, мен ана шу қониқшни ҳис этгандек бўламан. Спектакль уч йилдан буён саҳнадан тушмай келаяпти. Ижро хусусида томошабинлардан жуда кўп илиқ фикрлар эшитдим. Турли вилоятларда истиқомат қилувчи мухлисаримиз телефон қилишади. Ролининг ҳаётий қизишига бир жиҳатдан таҷрибаларим, иккинчи томондан, халқимизнинг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, қадимий урф-одатлари, аъналарини синчиклаб ўрганишга ҳаракат қилганим таянч бўлиб



...Сўнгги парда ҳам ёпилди. Гулдурос қарсақлар саси актёрларни қайта-қайта олқишлаб, таъзимга чорлади. Томошабинлар қуршовида эшик томон юраман. Кимдир киприклари намини артади. Яна кимдир спектаклдаги лавҳаларни ўзича талқин қилади. Кимдир чуқур хаёлга толган. Лекин ҳеч бир юрак "Ўзбекча рақс"дан қуруқ қайтмаётгани бор гап! Зотан, маърифатпар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий "Театр — бу ибратхонадур" дея бежиз таъкидламаган эди. Биз фарзандларимизни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида камолга етказишни орзу қиламиз.

Бугунги шиддаткор давр, ахборот хуружлари, турли ташқи таъсирлар ва мақсаддаги меҳнатларимизга акс таъсир этмаслигига эса ҳеч ким қанолат бера олмайди. Шундай бир вазиятда ўғил-қизларимиз эзгу мақсадларга йўлловчи, маънавий, руҳий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилувчи, ўйлашга, мулоҳаза юритишга, хулоса чиқаришга ундагувчи, кўнглини поклаб, ҳаяжон ҳайратга солгувчи ўзбек бўлиб яшаш ҳиссини онгу қарашларга жон қадар сингдиргувчи "Ўзбекча рақс" сингари спектаклларни, албатта, кўриши ниҳоятда муҳимдир. Чунки санъатнинг кучини ҳеч нарсасга менгазб бўлмайди.

Ойбуви ОЧИЛОВА  
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Бугун ортиқча вазн ҳамда нотўғри овқатланиш оқибатида келиб чиқаётган касалликлар сайёраимиздаги энг жиддий муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис мамлакатимизда бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовордир. Айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг тўғри овқатланишини тартибга солиш масаласига жиддий эътибор қаратиляпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 20 августда қабул қилинган «Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ижросига доир Халқ таълими вазирлигининг «Таълим муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи республикамизда ўқувчиларнинг тўғри овқатланишини ташкил этишни йўлга қўйишда асос вазифасини ўтамоқда.

риш мумкин. Умумий қилиб айтганда, фаст-фуд ишдан чалғимаган ҳолда енгил тановул қилинадиган таом ҳисобланади.

АҚШ маъмурияти болалар ўртасида оммабоп бўлган «носоғлом» маҳсулотлар, фаст-фуд, газли ичимликларнинг рекламаси учун амалдаги қонунни янада кучайтирди. «Нью-Йорк Таймс» газетаси хабарига кўра, Американинг ушбу миллий дастури асосан вояга етмаганлар ўртасида ортиқча вазнга қарши курашиш мақсадида жорий қилинган. Таркибида керагидан ортиқ шакар, ёғ, ва туз бўлган маҳсулотлар ре-

ларини келтириб чиқаради. Амаллий тажрибалар натижаларига кўра, атеросклероз ва юрак шешмиyasi касалликлари фаст-фуд маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилувчиларда кўпроқ учрайди. Қанчалик кўп калорияга эга бўлмасин, фаст-фудлар унчалик тўйимли эмас. Масалан, тез тайёр бўладиган роллтонда, оддий лағмондаги В витамини йўқ. Чунки, у фақат углеводлар ва турли хил кимёвий моддалардан ташкил топади.

Фаст-фуд маҳсулотидан организм ўзига керакли моддаларни olmayди ва овқатланишдан биоз ўтгач, одам яна оч-

гани сабаб, шифокорлар унга бу каби овқатни ман этишди, чунки кўнгилнинг жигарига жиддий зиён етган эди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, фаол қатнашнинг барча ҳаракатлари видеога олинган бўлиб, бу тасвирлар йирик Корея наشريётлари томонидан ташкил этилган матбуот анжуманларида омма эътиборига намоиш этилиши режалаштирилмоқда.

## КОКА-КОЛАНИ СУТГА АЛМАШТИРИНГ!

Океанортидаги Лос-Анжелес шаҳри таълим тизими бошқарувчилари сўзларига кўра, мактаб ўқувчиларнинг ҳар куни кока-кола ва бошқа газли ичимликларни истеъмол қилиши семиришга олиб келар экан. Фаст-фуд ҳам организмга шундай таъсир қилади. Эътиборлиси, таълим даргоҳларида хот-дог ва бургерларнинг сотилишини ҳукумат аллақачон тақиқлаган эди. Келаятган катта фойдага қарамай, мактаб маъмурияти носоғлом маҳсулотларнинг сотилишига қарши. Таълим муассасалари ходимлари ошхонадаги таомлар рўйхатини ўзгартиришларини айтишган. Масалан, газли ичимликларни мева шарбати ва сутга алмаштириш керак. Лекин ўқувчиларнинг асосий қисми кока-кола ва спрайтни афзал кўради.

Таъкидлаш жоизки, Лос-Анжелесдаги 677та мактабда 735 минг нафар ўқувчи таълим олади ва у АҚШ таълим даргоҳлари орасида биринчи ўринни эгаллаган Нью-Йорк шаҳридан кейинги ўринда туради. Мутахассисларнинг фикрига кўра, агар Калифорния тажрибаси муваффақиятли чиқса, кейинги йилларда кўплаб АҚШ мактабларида кока-кола ва фаст-фуд сотиш тақиқланади. Жумладан, Калифорниядаги «Кока-кола» компаниясининг бошлиқлари Лос-Анжелес таълим бошқармасининг қарорига амал қилди. Бу жараён олимларнинг ҳулосалари ҳам туртки берапти. Уларнинг келтирган натижаларини кўрадиган бўлсак, охириги йигирма йил ичида семириш кўрсаткичи сезиларли даражада ошган.

Ортиқча ёғларнинг тўпланишига сабаб бўлишдан ташқари, фаст-фуднинг бошқа зарарли жиҳатлари ҳам мавжуд. У қоннинг ивишига, вақти-вақти билан юрак-қон томир тизимида муаммоларнинг юзга келишига сабаб бўлувчи холестерин моддасини ўзида сақлайди. Маълумки, бу овқатларни тайёрлашда кўп миқдорда ёғ ишлатилади. Ўсимлик ёғдан кўп фойдаланиш канцероген ва захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши жараёнини кучайтиради.

Оддий қилиб айтганда, фаст-фуд — саломатлик эвазига арзон ва тез тайёрланадиган таом. Унинг зарари спиртли ичимликлар истеъмолы ёки кашандаликдан кам эмас. Афсуски, одамлар бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмай уларни истеъмол қилишга давом этмоқда. Тезкор таомлар санатининг тараққий этиши эса келажақда турли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади.

Сурайё СИРОЖИДИНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ — СОҒЛОМ ҲАЁТ АСОСИ

Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат бош санитария шифокорининг қарори асосида юртимиздаги барча мактаб ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари атрофидаги умумий овқатланиш жойларида фаст-фуд маҳсулотларини сотиш ман қилинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен 2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда сўзлаган нутқида мамлакатимизда овқатланиш тизими яхши йўлга қўйилганини қуйидагича таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас:

«Ўзбекистонда айниқса, овқатланиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш менга алоҳида мамнуният бахш этади. Афсуски, кўпгина мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасига оид дастурларида бу иш билан қишлоқ хўжалиги ёки савдо ташкилотлари шуғулланиши керак, деган қарашлар боис ушбу масалаларга етарлича эътибор берилмади».

## ГЕНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР САБАБЧИСИ

Швед олимларининг аниқлашича, қовурилган картошка ва гамбургерларнинг таркибида ҳаддан ташқари кўп миқдорда учрайдиган канцероген моддалар уларни ҳуш қўриб истеъмол қилувчи одамларнинг турли асаб касалликлари ва ҳаттоки онкологик касалликларга чалинишига сабаб бўлаётган экан.

Афсуски, бу ҳақиқат инсониятни тез тайёрланадиган таомларни истеъмол қилишдан тўхта олини йўқ. Аксинча, фаст-фуд емакхоналаридаги навбатлар сони кундан-кунга узайиб борапти.

Тадқиқотлар Стокгольм университетида олиб борилган бўлиб, мазкур маҳсулотлар таркибидаги канцероген — акриломид эканлиги аниқланди. Содда қилиб айтганда, у углеводларга бой бўлган овқатни иситиш натижасида юзга келади. Азал-азалдан парҳез таом ҳисобланган гуруч ҳам қайта иситилган вақтда унинг тарки-

бида юқоридаги модда ҳосил бўлиши кузатишган. «ФизОрг» манбасида айтилишича, акриламид — ок, эрувчан шифокор модда. Маълумки, у асаб тизимига жиддий зарар етказиши. Онкологларнинг сўзларига кўра, акриламид генетик мутациялар (ўзгариш) ва қорин бўшлиғида пайдо бўладиган шишларга ҳам сабабдир.

Швед биотадқиқотчиларини ташвишга солаётган жиҳат шуки, оддий қовурилган картошка ўрамини таркибидаги канцерогенлар миқдори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ичимлик суви учун рухсат берилган максимал концентрация миқдоридан 500 марта юқори экан. Швециядаги «Макдоналдс» («McDonald's») емакхоналарида сотилаётган қовурилган картошка ва бургерларда концентрация миқдори меъёрдан 100 баробар юқори эканлиги аниқланган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, акриламид кўпроқ иситилган маҳсулотлар таркибида учрайди. Масалан, иситилган картошка иситилган гамбургерга қараганда, 12—40 марта кўпроқ канцерогенга эга бўлар экан.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабига кўра, бир литр сувда акриламид миқдори бир микрограммдан ошмаслиги лозим. Мазкур талаб Европа Иттифоқида 2003 йил охирида кўчга қирган бўлиб, унинг меъёри 0,1 микрограмм деб белгиланган эди.

## РЕКЛАМАЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Фаст-фуднинг ресторанларида ва кўчма киоскларда тайёрланадиган турлари мавжуд. Биринчи гуруҳга қовурилган картошка, хот-дог, ярим тайёр пицца, шаурма ва бошқалар кирди. Иккинчи турдагиларга сув қўйиш йўли билан тайёрланадиган овқатлар киритилди, яъни ярим тайёр лағмон, картошка пиуре, шўрва ва бўтқалар. Учинчи турдагиларга эса фаст-фуд емакхоналарида сотиладиган енгил овқатлар: қовурилган картошка(чипс), ёнғоқлар, ширинликлар ва ширин хўхори (поп-корн) кирди. Бу рўйхатни яна узок давом этти-



ламаси чекланган. Нашрнинг ёзишича, янги қонунлар нафақат телевизион, балки босма оммавий ахборот воситаларига ҳам тааллуқлидир.

## ЗАРАРНИНГ СИНОНИМИ

Ҳозирги фаст-фуд таомларининг асосий қисми инсонга жиддий зарар етказишини таъкидлаш лозим. Бунинг асосий сабаби, маҳсулот катта миқдорда калорияга эгаллигидир. Умуман олганда, фаст-фуд тез-тез очликни ҳис қиладиган одамлар учун мўлжалланган ва унда кам калория бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, у энергетик қувватни оширади. Шу сабабдан бутербродлар битта нормал тушликка тенг бўлган калорияни бера олади.

Фаст-фуднинг кўп калорияга эгаллиги яна бир омил билан, яъни миқоз бу ечуликни яна сотиб олиши учун унга тазм берувчи қўшимчалар қўйилиши билан боғлиқ.

Калориянинг кўпчилиги таомнинг фойдали хусусиятларини йўқотди. Ёғ фақат мушакларни осизклантиради, ақлий фаолиятга эса ҳеч қандай фойда бермайди. Айниқса, хозир кўпчилик ақлий меҳнат билан шуғулланади ва асосий вақтини ишхоналарда ўтказиши. Камҳаракатлик, тез тайёр бўладиган овқатларни истеъмол қилиш натижасида эса ортиқча вазн қўяди. Ёғли ва ширин маҳсулотлар эндокрин, юрак-қон томирлари касаллик-

лик ҳиссини туяди. Натига эса кундек равшан: семириш ва у билан боғлиқ бошқа касалликлар.

Оддий овқатланиш маданиятига амал қилмаслик ҳам баъзан ортиқча вазн тўпланишига сабаб бўлади. Шошилин ҳаёт сурьатларида биз бутерброд, хот-дог, қовурилган картошкани йўл-йўлакай, яхши чайнамасдан истеъмол қиламиз. Баъзида эса кўлимизни ювишга ҳам эринамиз.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, фаст-фудни қанча вақт мобайнида истеъмол қилиш мумкин? Мутахассисларнинг фикрича, бу саломатлик ҳолатига боғлиқ. Тез тайёрланадиган маҳсулотлар ошқозонда муаммоси бор кишиларга тавсия қилинмайди. Қолаверса, аччиқ, ёғли овқатларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш оқибатида сўл истеъмол қилиш касаллигига чалиниши мумкин. Атеросклероз, гипертония билан хасталанганларга фаст-фуд бутунлай тақиқланади.

## ЖИГАРГА БЕРИЛГАН ЗАРБА

Спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш соғлиққа ёмон таъсир қилиши сир эмас. Лекин фаст-фуд емакхоналарида ҳар куни овқатланиш жигарга бундан-да кўпроқ зарар етказишини ҳамма ҳам билмас керак. Олимларнинг айтишича, «натижа» бир ойда сезилади. Атрофмуҳит тозаллигини таъминлашга оид фуқаролар ҳаракати қатнашчиси, жанубий корейлик Юн Кван Эн ўз саломатлигини ҳавф остига қўйиб, 30 кун мобайнида фаст-фуд истеъмол қилиш орқали бу турдаги овқатнинг зарарли таъсирларини исботлашга эришди.

31 ёшли Юн Кван кунига 3 мартаба нонушта, тушлик ва кечки овқат пайтида Сеулдаги машҳур «Макдоналдс», «Бургер кинг», «Лоттерия» ресторанига кириб, гамбургер ва қовурилган картошкага буюртма берди. Ўз кундалигига ёзишчи, гайриоддий «парҳез»нинг ўн саккизинчи кунидан Юн Кван соғлигини назорат қилаётган шифокорлар уни тушкун ҳолатда қўришди. Ҳаракатлари ҳам оғирлашган эди. Бир ҳафтадан сўнг, соғлиги ёмонлаш-



# МИЛЛИОНЛАБ ШОГИРДЛАРИ БОР...

Мультфильмлар ҳақида гапириш ҳамisha марокли. Чунки улар беғубор болаликни, шод ва осуда кунларни ёдга солади. Айни кунда чет элнинг жангарилик, зўравонлик тарғиб этилган фильмлари кўпайгани эса кишини хавотирга солади. Кимдир боласининг жимгина телевизор кармисиди ўтириши учун шу мультфильмларни кўришга рухсат берад, лекин фарзанднинг тарбиясига салбий таъсир этшини ўйламасмикан?



ши созилигини тушунтирарди. Мультфильмларда ишлатилган хар бир ранг ниманидир ифодалаш керак, деб ҳисобларди.

Светлана Муродхўжаева шу кунгача 37та мультфильм яратди. Унинг «Тошбака боласи», «Сехрли кийик» каби фильмлари кўплаб эътирофларга сазовор бўлди.

Мустикаллик йилларида С.Муродхўжаева азгу ишга қўл урди. Унинг ташаббуси ва изланувчанлиги туфайли «Ўзбекистон тарихий шахслари» туркумида 10та фильм дунёга келди. Бу фильмларда халқимизнинг буюк сиймолари ижоди ва ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. Улар болаларнинг тарихга, ўз ўтмишимизга қизиқшини ошириши шубҳасиз. Зардушт ҳақидаги фильмдан сўнг Тўмарис, Широк, Абу Али ибн Сино, Спитамен каби қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи мультфильмларнинг 10таси бугун ўзбек мультплатформаларининг энг яхши асарлари деб баҳоланмоқда.

Бу каби тарихий шахслар сиймосини мультфильмларга кўчиришнинг ўзи бўлмади, албатта, айниқса, бунинг учун тарихни, ўша шахс фаолиятини синчиклаб ўрганиш лозим. Светлана опа эса ўқиб-ўрганишдан эринмайдиган, тиниб-тинчимас инсон.

Шу кунларда «Ўзбеки-

но» миллий агентлиги 2011 йилда суратта олинган фильмлар ва яратилган мультфильмлар намойиши ва конференциясини ўтказмоқда. Ҳафталикнинг бир кунига 2011 йилда яратилган 8та мультфильмнинг тақдими то бўлиб ўтди.

Сўнгра Светлана Муродхўжаеванин ижодий кечаси ташкил этилди. Кечада «Ўзбекино» миллий агентлиги директори А.Исҳоқов сўзга чиқиб, С.Муродхўжаеванин ўзбек мультпликацияси ривожига қўшган ҳиссаси, у киши яратган мультфильмларда олға сурилган гоюлар, болаларни қўзғалик ва азгуликка ошно қилишда бу каби фильмларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Кино санъати ва ривожига қўшган ҳиссасига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда тилга олинганидек ўқитувчилар ўзларининг ўзлаб, минглаб шоғирдлари билан фахрланиб юришади, Светлана Муродхўжаева эса ҳаммадан бахтли инсон, унинг шоғирдлари нафақат юз, минг, балки миллионлаб ҳамдир. Чунки у ўзи яратган фильмлар орқали миллионлаб болаларни фақат ва фақат яхшиликка ундаган ва ҳозир ҳам ундаб келмоқда. Унинг фильмларини кўриб бир неча авлод катта бўлди ва бўлмоқда. Уларнинг қалбига фақат яхшиликлар куртак отмоқда.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

Қаҳрамонимиз боладек беғубор ва хануз болалик олами ни тарқ этмаган аёл Светлана Муродхўжаева етмиш ёшни қаршилади. У киши умри давомида болаларнинг энг севимли устози бўлиб яшамоқда. Сабаби, у кўплаб мультфильмлар муаллифидир.

Бу сехрли оламга қандай кириб қолгансиз, фильмлар яратишда нималарга эътибор берасиз, деган саволимизга Светлана Муродхўжаева шундай жавоб берди:

— Аслида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги университет) жисмоний тарбия факультетига ўқитувчи бўлман, деган болаларга сабоқ берман, деган ниятда ўқишга кирганим. Учинчи курсда ўқиётганимда касал бўлиб қолдим. Жарроҳлик амалиётдан сўнг шифокорлар маълум муддат спорт билан шуғулланмаслик-

ни тавсия этишди. Бекор ўтиришни табиатан ёмон кўрганлигим учун Тошкент театр ва рассомлик институтининг кечки курсларига қатнаб, актёрлик маҳоратидан сабоқ ола бошладим. Мендаги ҳаракат ва интилишни кўрган устозларим ўқилишимни бу даргоҳга кўчиришни сўрашди. Шундай қилиб 1965 йили институтнинг драма ва кино актёрлиги бўлимини тамомладим. Ўқиб давомиди «Ўзбекфильм» қошидаги дубляж студиясига қатнаб юрардим. Режиссёрлар менга асосан кичик болаларга овоз беришни топширишарди. Шу тариқа бир ярим мингдан зиёд фильмларга овоз бердим. 100дан ортиқ фильмларда катта-кичик роллар ижро этдим. Лекин бу мени нагадир қониқтирмасди. Бош ролларни кутиб ўтиришни эса хохламадим.

Шу ўринда яна бироз ор-

қага 1964 йилга қайтамыз. Шу йили «Ўзбекфильм» қошида мультбйрлашма ташкил этилган эди. Бйрлашмада илк мартаба «Зумрад ва Қиммат» мультфильми яратилди.

У иккиланмай мультбйрлашмага ишга ўтди ва болалар учун ижод қилишни бошлади. Бйринчи бор мультплатформатор Юрий Петров билан ҳамкорликда «Жасур чумқучча» анимацион фильмини яратди.

— Мультпликация соҳасидаги устозим Юрий Петров бўлади, — деб хотирлайди С.Муродхўжаева, — у киши ўз ишининг устаси, теран фикрловчи, болаларни жуда яхши кўрадиган инсон эди. Менга эринмай болалар учун яратилган фильмлар қандай бўлиши кераклигини, у болада азгулик, олижаноблик, яхшилик ва мардлик каби энг яхши фазилатларни шакллантири-

**Ta'lim fidoyilari**



## ИЖОД СИРЛАРИГА КАЛИТ ТОПГАН ОЛИМ

Умрини деҳқончилиги чўпонлик билан ўтказган Қосим бобо табиатан ҳақғўй, саховатли, «гайратидан асаби чақнайидиган» жўмард инсон бўлиш билан бирга «Гўрўғли» ва «Алломиш» каби халқ достонлари, Ясавий ҳикматлари, Навоий, Машираб ва Махтумқули шеърларини ёд билган. Бу илмга чанқоқ Усмоннинг дунёқарашига таъсир этмай қолмаган. У оилада кенжа фарзанд бўлганидан олти ёшга тўлмасдан акаларига эргашиб, мактабга борди. Зеҳни ўткирлиги, тилининг бурролиги ва китобларни «шариллатиб ўқиши» билан ўқитувчиларнинг эътиборини тортиди. Ушанда муаллимлар: «Хали кўрасизлар, Қосим бобонинг кенжаси келаҳақда олим бўлади», дея «башорат» қилишган.

Қосим бобо фарзандлари, айниқса, ақл-идроки тийрак, «хатта чевар» ўғли Усмоннинг илм ва ижод соҳасида етук инсон бўлишини орзу қилар ва интилишини қадрлаш билан бирга, унга қўйган талаби ҳам юқори эди. «Мехнатнинг оғири — ўқиш, илм олиш» деб билган ота 1966 йили ўғлини Наманган давлат педагогика институтига (ҳозирги университет)га ўқишга йўллайди. Омади чоған Усмонжон талабалар сафига қабул қилинди. Сал ўтмай, зукко йигитни лаборант қилиб ишга олишди. Усмонжон бу ерда етук олимлардан сабоқ олиб, уларнинг назарига тушди.

Албатта, Қосим бобонинг азгу орзу-нияти ижобат бўлди. Усмонжон Қосимов 1970 йили ўқишни имтиёзли диплом билан тугатди. Қамашти туманидаги мактабда илк педагогик фаолиятини бошлади. Сирдарё вилояти Боёвот туманидаги 2-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаётган кезлари уни Сирдарё давлат педагогика институтига (ҳозирги Гулистон давлат университети)га ишга таклиф қилишди.

У. Қосимовнинг Жиззах давлат педагогика институтига катта ўқитувчи бўлиб ишга кирганига ўттиз уч йилдан ошди. Шу даврда у кафедра мудири, Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, Ўзбек адабиёти кафедраси мудири ва институтнинг илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида фаолият кўрсатди. Аммо бир дақиқа ҳам адабиётдан, адабий жамоатчиликдан ажралмади. Усмон Қосимовнинг етук адабиётшунос бўлиб еттишишда атоқли аллома, Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддиновнинг устозлиги ва оталарча ғамхўрлиги катта бўлган. Улар ўртасидаги устоз-шоғирдлик риштаси адабиётда, айниқса, Абдулла Қаҳқордек улўф адиб ижоди ва шахсига нисбатан эътиқодда яққол намоён бўлади. Ёш олим изланиш-

лари натижасида 1978 йили «Абдулла Қаҳқорнинг адабий-танқидий мероси ва бадий маҳорат масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унинг илмий тадқиқотига М.Қўшонов, П.Қодиров, К.Қаҳқорова, А.Каттабеков каби йирик ўзбек адабиётшунослари ижобий баҳо беришди.

Олимнинг кўп йиллик изланиши натижасида юзага келган «Ёзувчининг сирлари. Абдулла Қаҳқор сабоқлари» (1995) монографияси ва «Ҳозирги ўзбек адабиёти. Тоғай Мурод ижоди» (1997) рисоласи ҳам адабий танқидчиликда муносиб ўрин тутди. «Теран идизлар» (2002), «Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар» (2006) ва «Адабиётнинг ҳаётбахш кучи» (2008) номли асарларида Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Гафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳқор, Озод Шарафиддинов, Тоғай Мурод каби ёрқин сиймолар ижодининг муҳим қирралари ўрганилган.

Нобель мукофоти лауреатлари Эрнест Хемингуэй ва Уильям Фолкнернинг адабиёт ҳақидаги нутқ-маърузалари Усмон Қосимов таржимасида «Жаҳон адабиёти» журналыда эълон қилиниши эса олимнинг таржимачиликда ҳам имконияти юқори эканидан дарак беради.

У. Қосимовнинг ҳаммуаллифликда яратган «Адабиётшунослик асослари», «Ёшлар иқтидорини шакллантириш ва уни тарбиялаш», «Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон ижодини ўрганиш» ва «Бадий тафаккур талқинлари» номли ўқув-услубий қўлланмаларида адабиёт ва уни ўқитишнинг илмий-услубий муаммолари ҳам атрафлича ўрганилган.

Истеъдодли олим ва моҳир мураббий Усмон Қосимовнинг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти қадр тоғмоқда. У адабиётимиз намоёндалари, ёш ижодкорлар ўртасида алоҳида эътиборга эга. «Антик дунё» халқаро Академияси доктори ва профессори этиб сайланган.

Қўтлўғ ёшга етган устознинг ҳоришга вақти йўқ. Енг шимариб «Ҳаёт ва адабиёт сабоқлари» номли янги асарини нашрга тайёрламоқда.

Домланинг шахсий ҳаёти ҳам ҳавасга лойик. Энг муҳими, раҳматли Қосим бобонинг орзуси амалга ошди. Ўғли Усмон ҳамқишлоғи Пиримқул Қодиров, устози Озод Шарафиддинов йўлидан кетиб, болалигида кўнгил қўйган касбини бекаму кўст эгаллади, адабиётшунос олим сифатида танилди.

**Муҳиддин ПОЛВОН,  
Ғули ЗИЁЕВА**

**Анвар Тўхтаев Тошкент шаҳрида ўқитувчилар оиласида таваллуд топган. Отаси Тўхта ака ўз даврининг зиёли кишиларидан, таълим жонқурларидан эди.**

**А.Тўхтаев мактабда ўқий бошлаганида иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ўқувчиларнинг таълим олиши қийинлашган.**

## ИШЛАРИ ИБРАТ УСТОЗ

Шундай бўлса-да илмга ташна ўқувчи мактабни олтин медалга тугаллаб, ҳужжатларини Ўрта Осий политехника институтига топширди ва ўқишга имтиёзли равишда қабул қилинади.

У олий ўқув даргоҳида гуманитар ва аник фанлар сир-асрорини чуқур ўргатган, дарс берган устозларининг номларини фахр билан ёдга олади. Айниқса, ўқишнинг сўнгги йилларида диплом ишларига раҳбарлик қилган устозлари Оқил Салимов, Абдусалом Муталибовни тез-тез эслади.

Институтни тугаллаб, инженер-механик дипломини олган изланувчан йигит Тошкент вилояти ремонт-механика заводида инженерлик қилади ҳамда Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда фаол иштирок этади. 1957 йили шўрланган ерларни ювиш учун заводда ёпиқ дренаж машиналарини ишлаб чиқаришда, давлат синовидан ўтказишда бевосита қатнашган устоз давлат мукофотига сазовор бўлади.

Ҳозир устоз Тошкент автомобиль-йўллар институтининг «Чизма геометрия ва графика» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида меҳнат қилмоқда. Анвар ака институтнинг жамоат ишларида фаол қатнашиб келади ва талабаларни фан олимпиадаларига тайёрлайди. Маҳалла ишларида ҳам фаол қатнашади.

Устоз узоқ йиллик илмий-педагогик фаолиятида 50дан ортиқ услубий кўрсатма, қўлланма, дарслик, мақолалар чоп эттирган. Айниқса, унинг ТАЙИдаги илмий-ижодий фаолияти сермахсул бўлганини ҳамкасблари жуда кўп таъкидлашади.

**Тургун ДАДАМУҲАМЕДОВ,  
Тошкент автомобиль-йўллар институти  
касаба уюшмаси раиси**

# СПОРТ, ИРОДА ВА БАРДОШ

ҳаётда ғалаба қозонишнинг муҳим омилларидир

## Barkamol avlod — yurt tayanchi

... Жасурнинг мурғак қалбидаги тушқунлик кайфиятини энгишида спорт далда бўлди. Бунда мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол вояга етиши, жамиятдан ўз муносиб ўрнини топиши учун яратиб берилаётган шароит ва имконият ҳамоҳанг равишда муҳим аҳамият касб этди.

Шундай лаҳзалар бўладики, улар инсон ҳаётининг "бурилиш нуқталари" сифатида умр-бод ёдда қолади. 2000 йили Пахтабод туманининг Уйғур қишлоғида яшовчи фермер Мадаминжон ака оламдан ўтди. Умр йўлдоши Матлубахон вояга етмаган икки нафар фарзанди билан бева қолди. Улардан бири тўққиз ёшли Жасур эди. Ўғлининг боксини бўлишини орзу қилган Мадамин аканинг бевақт вафоти ҳали оппоқ орзулари қатъий тарзда шаклланиб улгурмаган болакайнинг спорт ҳақидаги илк тасаввурларини йўққа чиқариши мумкин эди. Ушунда Жасур Латипов Пахтабод туманидаги 41-мактабнинг 3-синфида ўқирди. Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатлари самараси ўлароқ барча жойларда бўлгани каби ушбу мактаб ёнидаги спорт залида каратэ бўйича тўғрақ очилди. Аввалига Жасур тенгқурлари билан бориб, у

ерда шугулланаётган болаларни кузатди. Кўп ўтмай, тўғраққа аъзо ҳам бўлди. Шунингдек, бу залда кечки пайт мураббий Абдулҳафиз Эгамовнинг бокс тўғраги бошланарди. Дастлаб Жасур боксга ҳам, каратэга ҳам қатнашди. Кейин у узил-кесил боксини танлади. У спортда олға илдамлаш, юксак марраларни забт этиш ўз-ўзидан юзга чикмаслигини, бунинг учун сабру бардош ҳамда чинакам ирода талаб қилинишини аввалига устозларидан эшитди, сўнгра ўз ҳаёти мисолида тақрор-тақрор гувоҳ бўлди. 2004 йилдан 7-синф ўқувчиси Ж.Латипов Андижон олимпия захиралари коллежида тахсилни давом эттирди. У ерда малакали мураббийлардан сабоқ олди. Бу ўз маҳсулини бера бошлади. 2004 йили вилоят чемпиони бўлди. Тошкент шаҳрида 2006 йили ўтказилган «Меҳрон» республика турнирида голиб чиқди. 2007 йили ёшлар ўртасида республика чемпиони

бўлди. Боқуда ўтказилган халқаро турнирда қумуш медаль билан тақдирланди.

2008 йили Анголада бўлиб ўтган халқаро турнирда Жасурнинг ўнг қўли жароҳатланди ва ўшанда у чап қўлдан ҳам унумли фойдаланишни ўлаштириш жанг вақтида нечоғлиқ муҳим эканини англади. Бу фикри қанчалик тўғрилиги ва Мексикада қумуш медалга сазовор бўлганда ишонч ҳосил қилди.

Жасур Қозғистонда ўтказилган халқаро турнири голиби бўлиб, катта муқофотни қўлга киритганда, унга бутун маҳалласи ҳавас қилди. — Спортга чинакам дўст тутишиб, ўз олдига қатъий мақсадларни қўйган спортчи характерини меъёрида кучайтириб бораверса, у албатта, кўзлаган чўққисини забт этади, — деди ишонч билан Жасур Латипов. — Буни ўзимнинг спортдаги фаолиятим ёки тенгқурларимнинг эришаётган ютуқлари мисолида изоҳлаш мумкин. Спорт билан шугулланиш мажбурий эмас, балки заруратдир. Маълумки, шу йилнинг август ойида ёзги

олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда дунёнинг энг кучли, сараланган спортчилари голиблик учун мусобақага киришади. Мана, истиқлол қўлга киритилгач, yurtimizdan ҳам кўплаб спортчилар энг нufuzли мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратини намоён этиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Жасур ҳам Боқуда ўтган жaxon чемпионатида 52 кг. вазн тоифасида рингга чиқиб, англик, белоруслик, швейцариялик боксчиларни енгиб, чорак финалга, италиялик спортчи устидан ғалабага эришиб, ярим финалга йўл очди. Уэлс боксчисига қарши ўтказган жангдан сўнг Жасурга бронза медали тақдим этилди. Ушбу бронза медали Лондонда ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кифоя қилди.

Бугун Ж.Латипов мамлакат терма жамоаси таркибида мураббийлар Шароф Худойбердиев, Уйғун Сиддиқов қўл остида олимпиадага қизгин ҳозирлик қўрмоқда.

Орифжон СИДДИКОВ, "Ma'rifat" мухбири



## ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Олимпиада ўйинларининг рамзи саналмиш бир-бирига уланган беш рангдаги беш ҳалқачалар XXX ёзги олимпиада ўйинларига 150 кун қолгани муносабати билан ўзига хос тарзда Лондондаги энг машхур дарё — Темза бўйлаб олиб ўтилди.

Эни 25 метр, бўйи 11 метрдан иборат Олимпиада рамзи сувда сузувчи махсус мосламага бириктирилиб, дарёнинг қирғоққа яқин қисмидан, анжирои, Сити ҳамда Канари-ворф осмонғар бинолари, Тауэр қалъаси ва кўприги каби шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари яқиндан сузиб ўтди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, Олимпиадага оз мuddат қолганда, яна бир улкан рамз Тауэр кўпригига илиб қўйилади. Лондондаги Сент-Панкрас вокзалидagi поездларда ҳам ушбу рамзининг пайдо бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, улкан рамз Англияни Франция билан ажратиб турувчи Ла-Манш буғизидagi туннелга ҳам илинади.

## КАРЛСЕН ЧЕМПИОНДАН ОЛДИНДА

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан жaxon микёсидagi шахматчиларнинг янги рейтинг эълон қилинди. Унга кўра, биринчи поғонада норвегиялик ёш гроссмейстер Магнус Карлсен номи қайд этилган.

Иккинчи ўринда арман шахматчиси Левон Аронян, учинчи ўринда аса россиялик собиқ жaxon чемпиони Владимир Крамник кўрсатилади. Бу ҳақда дастлаб ФИДЕнинг расмий сайтида маълумот берилди. Карлсен жисобида 2835 очко бўлса, Аронянда 2820, Крам-

никда 2801 очко мавжуд. Ажабланарлики шуки, амалдаги жaxon чемпиони ҳиндустонлик Вишванатан Ананд (2799) рейтингнинг 4-поғонасига тушиб қолган. Аёл гроссмейстерлар орасида рейтингни ҳамон венгриялик Юдит Полгар (2709) бошқариб турибди.

## ФАВОРИТЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ(МИ?)

Германиянинг Рупольдинг шаҳри 1–11 март кўнлари биатлон бўйича жaxon чемпионатида мезбонлик қилади. Дунёнинг бир неча мамлакатидан ташриф буорган спортчилар спринт, пойма, масс-старт, эстафета, яккалик ҳамда аралаш пойма каби жами ўн би йўналиш бўйича тақдим этилувчи медаллар шодаси учун мусобақалашади.

Чемпионатнинг эркаклар ўртасидаги бахслари аёл спортчилар ўртасидаги мусобақага нисбатан анча кенг микёсда ва муросисиз кечилиб кутилмоқда. Биатлон бўйича асосий фаворитлар — норвегиялик Эмиль Хегле Свендсен ҳамда француз Мартен Фуркад мавсумдagi учрашувларида мултислар ва мутахассислар ишончини оқлай олишмақдир. Шунга қарамай, улардан мутахассис ва ик-лосмонлар яши натокижалар кутилимоқда.

Тақриб ва маҳорат бoбида амалдаги жaxon чемпиони Тарьей Бе ушбу мусобақанинг энг асосий фаворитларидан бири сифатида тилга олинаётипти.

## Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

# БРАЗИЛИЯ — БИР ҚАДАМ

Ўзбек футбол илхосмандлари учун баҳор хушхабар билан бошланди! Вадим Абрамов шогирдлари Сервер Жепаров, Одил Аҳмедов ва Александр Гейнрихсиз ҳам олис Япониядан тарихий ғалаба билан қайта олди. Осиёнинг амалдаги чемпионлари Ўзбекистон терма жамоасига ўз уйида 0:1 ҳисобида ютқазди.

Уйин тенг курашлар билан бошланди. Япония жамоасининг бир қатор ўйинчилари Европанинг номдор жамоаларида тўп суришига қарамай, вакилларимиз уларга қарши муносиб ўйин кўрсатишди. Аксинча, қарши ҳужумлардан кўплаб хавфли вазиятлар ҳосил қилган жамоамиз 53-дақиқада ўз ниятига эришди. Истеъдодли ёш ҳужумчи Александр Шадрин томонидан киритилган гол матч тақдирини хал қилди. Шу тариқа, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бра-

зилияда ўтадиган жaxon чемпионатига саралаш бахсларининг учинчи босқичини "С" гуруҳида пешқадам сифатида яқунлашга муваффақ бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, юртдошларимиз мазкур квалификация ўйинларида энг кўп очко жамгарган ва энг кам гол ўтказиб юборган жамоа бўлишди.

### С гуруҳи

№ Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т	Н	О
1. Ўзбекистон	6	5	1	0	8	1	16
2. Япония	6	3	1	2	14	3	10
3. КХДР	6	2	1	3	3	4	7
4. Тожикистон	6	0	1	5	1	18	1

Футболчиларимиз ғалабали одимларини энг сўнгги саралаш раундида ҳам ишонч билан давом эттира олеа, шу вақтга қадар амалга ошмаган яна бир мақсадга эришамиз — мундиалга чиқамиз! 3-саралаш босқичидан ўтиб олган қитъамизнинг энг кучли 10 терма жамоаси қолди. Хал қилувчи босқичда улар рейтинг очколарига қараб беради икки гуруҳга бўлинад ва 4,5 та мундиал йўлланмаси учун мусобақалашади.

Куръа ташлаш маросими 9 март кuni Куала-Лумпурдаги ОФК қароргоҳида Тошкент вақти билан соат 13.00да бошланади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

## Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама

### Тошкент шаҳар Мпробод тумани давлат солиқ инспекцияси, Тошкент шаҳар ҳўжалик оидининг ҳап қилув қоронарига асосан қўйидаги қорхоналар:

12.11.2009 йилда 004190-03-рақам билан рўйхатга олинган «XIDMA SANIHA MCHJ», 14.12.2009 йилда 004257-03-рақам билан рўйхатга олинган «XIN DA MCHJ», 27.05.2003 йилда 001018-03-рақам билан рўйхатга олинган TANDEM STAR MCHJ, 13.07.2011 йилда 005339-03-рақам билан рўйхатга олинган AGREEMENT PHOTО MCHJ, 14.02.2011 йилда 005053-06-рақам билан рўйхатга олинган NARMIN SERVICE XK, 07.04.2011 йилда 005157-03-рақам билан рўйхатга олинган WEST PLATINUM MCHJ, 09.11.2009 йилда 004180-03-рақам билан рўйхатга олинган RAMIKS ALLYCO MCHJ, 19.11.2009 йилда 004205-03-рақам билан рўйхатга олинган SUN BAKERY MCHJ, 19.11.2009 йилда 004210-03-рақам билан рўйхатга олинган PARTY PROJECT MCHJ, 01.07.2010 йилда 004685-03-рақам билан рўйхатга олинган PERFECT PHONE MCHJ, 20.01.2011 йилда 004994-03-рақам билан рўйхатга олинган OMINABONU-SAVDO MCHJ, 12.06.2008 йилда 003290-03-рақам билан рўйхатга олинган POLITECE OSENKA MCHJ, 26.08.2008 йилда

003415-03-рақам билан рўйхатга олинган PROCONTROL INSPECTIONS MCHJ, 15.10.2004 йилда 000569-03-рақам билан рўйхатга олинган MODUS MINN MCHJ, 07.04.2006 йилда 001444-03-рақам билан рўйхатга олинган LEGION MEDIA MCHJ, 18.01.2007 йилда 002888-03-рақам билан рўйхатга олинган KARDOS RTI MCHJ, 12.02.2004 йилда 000193-03-рақам билан рўйхатга олинган THE BEST BUHARA KAPAKUL XK, 12.10.2009 йилда 004144-03-рақам билан рўйхатга олинган CONTACT-CONSULT MCH, 16.12.2010 йилда 004921-03-рақам билан рўйхатга олинган EL DANIS TERMO GROUP MCHJ, 28.02.2011 йилда 005091-03-рақам билан рўйхатга олинган SAVIR MCHJ, 06.06.2006 йилда 001563-03-рақам билан рўйхатга олинган FARTUNA VELES SHK, 27.02.2002 йилда 187-рақам билан рўйхатга олинган MULTI-GRAF MCHJ, 28.08.2006 йилда 001924-03-рақам билан рўйхатга олинган SEN-ETEN-BIZNES MCHJ, 16.02.1995 йилда 880-рақам билан рўйхатга олинган ABDUMUXTOR XF, 23.05.2008 йилда 003255-03-рақам билан рўйхатга олинган SHTEFAN KONSALT MCHJ,

06.07.2004 йилда 000415-03-рақам билан рўйхатга олинган JEI H GENERAL MCHJ, 04.06.2009 йилда 003906-03-рақам билан рўйхатга олинган ATLANTA TONG AS MCHJ, 02.08.2004 йилда 000460-03-рақам билан рўйхатга олинган KOMILJON OTA-BARAKAT XK, 27.11.2007 йилда 002897-03-рақам билан рўйхатга олинган QJ MIR BIZNES UNIVERSAL MCHJ, 25.07.2000 йилда 435-рақам билан рўйхатга олинган GARIGIN XF, 25.01.2000 йилда 39-рақам билан рўйхатга олинган KOMNETSERVIS ЧФ, 13.09.2000 йилда 1358-рақам билан рўйхатга олинган BALTIA XF, 12.01.2007 йилда 002296-03-рақам билан рўйхатга олинган NIKON PLUS MCHJ, 06.03.1996 йилда 51 14-рақам билан рўйхатга олинган MARSEL-MAV XUSUSIY KORXONASI, 12.08.2005 йилда 001070-03-рақам билан рўйхатга олинган MARDONA-BONU MCHJ, 29.11.2010 йилда 004892-03-рақам билан рўйхатга олинган CENTRAL GRANT XK, 25.01.2000 йилда 03-000686-рақам билан рўйхатга олинган AZIZ NUR MIROBOD XF TUGATILATGANINI MAЪLUM QILADI.

Мазкур қорхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Давьогоарлар эълон чиққандан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 18-уй, Мпробод туман ҳокимлиги Қорхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.


## БОЙЧЕЧАК ГУЛБАРГИДА ЗАФАР НАШИДАСИ

Ёмғир дераза раҳига шатир-шутур урилади. Жаҳжи томчилар тун зулмати-дан чўчибми, қахратон совуқ исканжасидан қочибми, ё ичкаридаги ёруғликка интилибми, севинчдан порлаган қароғлардек бир ялтираб ойнага “чирс” этиб уриладию, шамолда пилдираганча из солиб пастга оқиб тушади. Тарновлар шатирлайди, ариқлар чулдирайди, катта анҳор шовуллаиди. Гўё борлиқ ўз овозида нималарнидир уқтирмақчи бўлаётгандек... Бу сас руҳий сокинлигимни буз-золамаётган бўлса-да, дилим ғаш, нотинч: табиат уйғонишининг илк муждаси — сой бўйидаги бойчечакнинг ҳоли нима бўлдийкин?

Бугун тонгда совуқ юзни бетиним чимчиласа-да, тоғ ортидан бобоқуёш жилмайиб бош кўтарганди. Бир неча кун олдин ерга тўшалган гиламдек ҳамма ёқни қоплаган оппоқ қор ҳали эриб улгурганича йўқ. Сокинликни бузиб тинимсиз шовуллаётган сой бўйидаги қорларгина ноилож оқимга қўшилади. Бирдан кўклам даракчиси — бойчечакка нигоҳим тушиб, кўзларим қувнаб кетди. У аёзли қишнинг «лашкар»ларига қарши ёлғиз бош кўтарган қаҳрамон жангчидек туюлди менга. Бу курашда ҳамдўсту ҳамдам бўлиб, унинг ёнида туrolмасам ҳам меҳр тўла илиқ кафтларим билан нозик танини силаб қўйдим...

Шаррос ёғаётган бу совуқ ёмғирда бечора жуда қийналаётгандир, сахаргача лойга қоришиб, нозик новдаси синса-чи?

Тонг. Заррин шуғлалар юзимни майин силаб уйғотди. Деразани очиб, офтобга юзландим, қулочимни кенг ёзиб, тоза ҳаводан симирдим. Вужудимга қан-



Tuyg'u

дайдири илиқлик югургандек бўлди. Негадир шовуллаётган сой бўйига ошқидим. Қайноқ меҳр тафтини соғиниб, бобожони ҳузурга чопқиллашган болақайлардек ялангликдан илонизи бўлиб оқиб тушаётган жўшқин жилғалар ошиқиб сой сувига қўшилади. Енгил буғ кўтарилмоқда. Атрофда кушларнинг шовқини. Бутун олам ўзгача. Дафъатан кеча ёмғир остида қолган бойчечакни излай бошладим. Шунда тилла тангадек ялтираб очилиб турган яшиллик ва яхшилик даракчисини кўриб, қувончим кўксимга сигмай кетди. У ҳамон мағрур бош кўтариб тураркан, Қуёшжонга самимий табассумлар ҳада этарди. Гўдак юзидек беғубор, яқиндагина очилган гулбарглари-аро томчилар маржондек жимирларди. Бу унинг зафар нашидаси, севинч кўзёшлари эди...

Дилшод КАРИМОВ



Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, сан ва  
маданият ходимлари  
касба уюшмаси  
Markaziy Kengashi.

Бosh муҳаррир:  
Абдусамат РАҲИМОВ

Табриҳ ҳай'ати: Мадмин АРИПЖАНОВ,  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Бахтиёр  
ДОНИЙОРОВ, Баҳодир ЖОВЛИЙЕВ  
(бosh муҳаррирнинг биринчи о'ринбосари),  
Акmal ИСЛОМОВ (мас'ул котиб),  
Маҳмуда МУРЗАЙЕВА, Ҳусан  
НИШОНОВ (бosh муҳаррир о'ринбосари),  
Нурлан УСМОНОВ (бosh муҳаррир  
о'ринбосари, “Учитель Узбекистана”),  
Алексеу ЧУКАРИН (мас'ул котиб,  
“Учитель Узбекистана”), Са'дulla  
НАКИМОВ.

Газета  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида № 0067 рақам билан  
ро'yxatга оlingан.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

ИНДЕКС: 149, 150. Г-318.  
Тиражи 56133.  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида боёилган,  
қоғ'оз бичими А-3.

«Ma'rifat»-дан материалларни ко'чириб бошиш  
таҳририят рuxсати билан амалга оширилиши шари.  
Таҳририятга келган қо'lyozmalar тағриқ  
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Reklama материаллари uchun таҳририят javobgar emas.

МАНЗИЛИМИЗ: 100083, Toshkent,  
Матбуотчилар ко'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: мас'ул котиб—233-99-15, умумий  
о'рта ва мактабгача та'лим yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, oliy va o'рта maxsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Дизайнерлар:  
Малоҳат ТОШОВА,  
Лилия БИНАШЕВА.

Наvbatchи муҳаррир:  
Дилшод КАРИМОВ.  
Наvbatchи: Шерали НАМОЗОВ.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Корxonа манzilli:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Ўла акyуи — 23.00  
Топshирилди — 23.05